



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
5-iyun
chorshanba
№ 23 (1398)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

МУЖДА

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Пекинда ўтказилган 14-Хитой халқаро инвестиция ярмаркасида Ўзбекистон фахрий давлат сифатида қатнашди.



Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш ассоциацияси (CODA) томонидан ташкил этилган тадбирда 2000 га яқин меҳмонлар, вазирлик ва идора раҳбарлари, Хитойнинг етакчи компаниялари, элчилар, вазирлар, хорижий ҳукумат маслаҳатчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хорижий капитални жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қўлай шароитлар яратилгани ҳамда турли махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш учун махсус ва эркин иқтисодий зоналар мавжудлиги билдирилди.



Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари бағишланган тақдиротларда тадбир иштирокчилари мамлакатимизнинг ушбу ҳудудларининг сармоявий, иқтисодий ва туризм имкониятлари билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдилар.

Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш ассоциацияси президенти Хэ Чжэньвэй ўз нутқида Хитой ва Ўзбекистон уртасидаги икки томонлама муносабатларнинг юқори динамикасини алоҳида ургулади.

Унинг айтишича, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида юқори натижаларга эришди. Шунингдек, у жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форумидаги иштироки ҳақидаги

фикрлари ва таассуротлари билан ўртоқлашди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур форум икки ва кўп томонлама инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш бўйича илғор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали майдонга айланиб бораётганини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон вакиллари ўртасида В2В учрашувлари бўлиб ўтди. Натижада, турли соҳалар доирасида ўзаро манфаатли битимлар имзоланди.

2-6

ЛУҚМА

ЖАМИЯТ “ҚАҲРАМОНЛАРИ”

Бугунги кунда кўча-кўйда, бозорларда, метро кириш-чиқиш қисмларида, умуман олганда, одамлар гавжум ҳудудларда тиланчилар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки муҳтожларга беихтиёр кўзимиз тушади. Уларга ачиниш кўзи билан қараймиз. Афсуски, уларнинг сони тобора кўпайиб бораётганга ўхшайди. Бу жамиятимизнинг маълум қатлами камбағаллашиб бораётганидан далолатим ёки пул ишлашининг осонгина усулимикан?! Менимча, ҳунар ўрганишлари учун шароитлар яратиб берилса рад этишмас керак. Ахир уларнинг аксариятининг қўлидан иш келади. Бироқ, улар ростдан ҳам ишга муҳтож бўлса, нега мутасадди ташкилотлар бунга бефарқ бўлиб қолмоқда...


Яқинда кўчада кетаётган бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. 8-9 ёшлар чамаси ака-сингиллар метрога кириш зиналари четки қисмида “Онам касал, дориларига пул керак. Ердан қилинлар...” дея бот-бот такрорлар эдилар. Ўтган-қайтганлар кўнгилларидан чиқариб пул ташлаб кетишарди. Яна бир ҳолат. Метро вағони ичига бир ёш бола кирди. Қўлида биз билган ўша нам салфеткалар эди. “Ердан қилинлар. Салфетка олилар” деб қўлидагиларни сотишга ҳаракат қилар, афрофдагилар беш, ўн минг сўм эвазига уларни харид қилишар эди. Уларни суҳбатга тортишга ҳаракат қилсак-да, бироқ аниқ бир жавоб беришмас, ерга қарааб турган кўйи сўзларини такрорлаб туришарди.

Энди ўйлаб кўринг. Бу ёшгина болаларнинг муҳтожликда кун кечиришига (ким? нега?) нима сабаб бўлмоқда? Ҳойнаҳой, баъзилари мактаб ёшига етган бўлса-да, ҳали мактабга чиқишмаган. Уларнинг сони тобора ортаётгани эса дилни хира қилади. Мен бундай ҳолатларнинг баъзиларини келтириб ўтдим. Ҳали пойтахтимизнинг “Бек Барака” ва “Абу Сахий” бозорларини боғловчи ер ости йўлидаги ҳолат ҳақида-ку сўз очмадик...

Мутасадди ташкилотлардан бу ҳолат одатий тусга кириб қолмасидан олдини олишларини, чуқурроқ ўрганишларини, жамиятимизнинг ривожланиши таъминланишига янада ҳисса қўшишларини сўраб қолган бўлар эдик.

Севара ҚАЙИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети
биринчи босқич талабаси.

САЁХАТНОМА



Ниҳоят, Ҳиндистоннинг машҳур шаҳри Аграга етиб келдик. Бир вақтлар Бобурийлар сулоласининг пойтахти бўлган бу тарихий шаҳар Буюк Акбар номи билан тарихда ном қолдирган Бобурнинг набираси Шаҳаншоҳ Жалолиддин Акбар қурдирган Фатхпур Секридаги Қизил қалъа ва унинг авлоди Шоҳ Жаҳон барпо этган, етти мўъжизанинг бири сифатида дунёда донг таратган, муҳташам, улғувор, Ҳиндистоннинг рамзи ва айни чоғда инсон ақлини лол қолдирадиган даражадаги маҳобатли обида — Тож Маҳал билан машҳурдир.

Мана, бир неча ўн йилдирки, мен ҳам Ҳиндистонга борсам, буюк ватандошимиз, шоҳ ва шоир, атоқли саркарда Бобур ва унинг авлодлари қурдирган мўъжорий обидаларни, хусусан, Тож Маҳални кўрсам, деган фикр миямни чулғаб олган эди.

Хаёлимда уни ўзимча тасаввур қилар, қалбимдаги интиқлик ҳисси ҳаяжонга айланиб, бир

зумга бўлса ҳам мени тарқ этмасди. Ниҳоят, тонг сахарлаб сайрбонимиз Делек Шарма иштирокчида йўлга тушдик. У йўл-йўлакай Бобур ва унинг авлодлари ҳақида завақ ва шавқ билан сўзлар, талаффуздан унинг ватандошларимизга, айниқса, Бобур ва Буюк Акбарга ҳурмати яққол сезилиб турарди. Унинг фикрича, Бобур дунёда тенгсиз шоҳ ва саркарда, Жалолиддин эса ҳиндларнинг буюк шоҳи. Шу сабабли унга Акбар номи берилган ва ҳозирги кунда ҳам унинг номига Буюк сўзи қўшиб айтилади. Ёши тахминан 30-35 ёшли бу ҳинд сайрбони тарихни ва рус тилини пухта билиши билан бизни қойил қолдирди. Суҳбат гоҳида баҳсли мунозаралар билан тугар, сабаби, ҳозирда ҳам Ҳиндистонда Бобурийлар буюк мўғуллар деб нотўғри таърифланишида эди.

Биз кўзланган манзилга етиб келдик ва машинамиздан тушиб, бу ердаги қоидага кўра электро-мобилга чиқиб, Тож Маҳал мўъжорий ёдгорлиги томон юрдик.

3-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

БЎЛИМ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлимида Уюшма аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ ОАВ вакилларига аъзолик гувоҳномалари, шунингдек, медиа соҳанинг фаол вакилларига фахрий ёрлиқлар топширилди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов иштирок этиб, Уюшма ва унинг ҳудудий бўлими олдига турган долзарб масалалар хусусида сўз юритди.



Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев олиб борган тадбирда фахрий журналист Баҳринисо Тешаева, Уюшма аъзоси Гулнора Аҳмедова, “Тошкент ҳақиқати” газетаси бўлим мудир Тўхтамурод Ҳасанбоев ва бошқалар соҳа ривожини, “Устоз-шогирд” анъанаси асосида амалга оширилаётган ишлар, босма нашрлар ҳамда Уюшманинг вилоят бўлими фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Айтиш жоиз, бу ерда бўлим ходимлари учун ажратилган хоналар бугунги кун талаби даражасида жиҳозланиб, энг замонавий компьютер тўпланмари ва тезкор интернет билан таъминланган.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уюшмамиз ҳудудий бўлимининг фаолиятини самарали ташкил этиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларни ҳисобидан белгиланган тартибда субсидия маблағи ажратиб бориш белгиланган, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов. — Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ушбу вазифалар ижроси изчил таъминланаётгани эътиборга молик. Президентимизнинг номи келтирилган қарори ижроси доирасида маҳаллий ҳокимлар томонидан Уюшманинг ҳудудий бўлими мўъжир қўллаб-қувватланиши соҳа ривожига хизмат қилади. Шунингдек, ОАВ ҳамда уларда фаолият олиб бораётган журналистларини, фахрийларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтиради.

Тадбир доирасида Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими қошида фаолият бошлаган “Маҳорат мактаби” тингловчилари билан учрашув ҳам ўтказилди. Маълум қилинишича, ушбу мактабда айни кунда журналистикага қизиқувчи 20 нафарга яқин йигит-қиз тажрибали журналистлардан сабоқ олмақда. Ёшлар билан мулоқот чоғида журналист қандай бўлиши керак, журналист одоби, сўз масъулияти ҳақида фикр алмашилиб, тингловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоларининг 100 нафардан зиёди истиқомат қиладиган Тошкент вилоятида айни кунда “Нурафшон ТВ” телеканали ҳамда “Орият доно” радиостанцияси ишлаб турибди. “Тошкент ҳақиқати”, “Адабиёт зефи”, “Ёшлар кундалиги” каби 48 та босма оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 40 таси газета, 8 таси журнал. 25 та газетанинг муассиси шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳисобланади, 15 та газета эса хусусий.

Уюшма бўлими вилоятда фаолият олиб бораётган журналистларнинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг тажриба алмашишини таъминлаш, “Устоз-шогирд” анъанасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан бўлим фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани иш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Яқинда бўлимга вилоят ҳокимлиги томонидан “Tasker” хизмат машинаси туҳфа қилинди.

Нурафшондан Тошкентга қайтар чоғимиз ўтган йили “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида барпо этилган “Журналистлар боғи” янада гўзал қиёфага кирганига кўзимиз тушди. “Медиа ходимлари ва ижодкорлар боғи” дея янгича ном олган ушбу маскандан тўхтаб, бироз сайр қилдик, бу ерда ишлаётган юртдошларимиз билан суҳбатлашдик.

Кўзда экилган дарахтлар ўзини тутганидан қувондик. Бу ерга турфа манзарали гул кўчатлари ўтқазилаётганидан хурсанд бўлдик. Сунъий кўл ташкил этилиб, ушбу кўлга фавворалар ўрнатилгани, ҳудудга чиройли ўриндиклар жойлаштирилаётгани боғ чиройига янада чирой қўшмоқда.

Боғнинг ободонлашиб, кўркамлашиб бораётгани эса ҳозирдан кўрган одамга кўтаринкилик бахш этади. Бу ерда ўсаётган ниҳоллар ҳадемай кўкка буй қўзади. Соя-салқин бўладиган ушбу гўзал маскан эртага медиа соҳа ходимлари ва ижодкорларнинг сеvimли масканига айланишига шубҳа йўқ.

Жасур РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси етакчи мутахассиси.

БЎЛҒУСИ МУХБИРЛАР “МАҲОРАТ МАКТАБИ”ДА ТОБЛАНДИ

Самарқанд вилоят “Матбуот уйи”да “Босма нашрларда ёш мухбирларнинг ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов, вилоят, шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими хузуридаги “Маҳорат мактаби” тингловчилари иштирок этди.

3-6

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ЯРМАРКАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ



1-6

Ўзбекистон павильони ташкил этилиб, унда тўқимачилик, заргарлик, хунармандчилик ва қандолатчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Ташриф буюрувчилар эътиборига мамлакатимизга бағишланган видеороликлар, фотосуратлар ва махсус журналлар тақдим этилди.

Тадбир доирасида меҳмонлар учун мамлакатимиз санъаткор усталари иштирокида маданий кеча ташкил этилди. Сирдарё вилояти Филармонияси ижодий жамоаси томонидан ижро этилган ўзбек миллий рақслари, куй-кўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Хэ Чжэньвэй, Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш ассоциацияси президенти:

— Бугун Пекинда инвестициявий ҳамкорликка бағишланган йирик тадбир бўлиб ўтди. Унда 96 мамлакатдан меҳмонлар ва 1,5 минг компания вакиллари иштирок этди. Форум халқаро савдонинг ривожлантириш учун қулай шароит ҳисобланади. Иштирокчилар ҳамкорлик учун муҳим лойиҳалар ҳақида керакли маълумотларни олишлари, бундан ташқари, бизнес ҳамкорлар топиллари мумкин.

Ўзбекистон бу йилги тадбирнинг

фахрий меҳмони ҳисобланади. Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан келган делегацияларни қутлашдан мамнунмиз.



Бундай тадбирлар Хитой компанияларига мамлакатингиз, инвестициявий сиёсат, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш учун яхши имконият яратяпти.

Цинь Цзюньман, "China Nonferrous Metal Industry's Foreign Engineering and Construction" компанияси президенти:

— Шубҳасиз, Ўзбекистон делегациясининг тақдими ва чиқишлари бугунги тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Хитойнинг кўплаб етакчи компаниялари Ўзбекистон

кечасида иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлади. Бизни ўзбек миллий санъати, айниқса, мусиқа ва рақс санъати ҳайратга солди. Биз ўзбек халқининг дўстлиги, куч-ғайратини ҳис қилдик.

Бугун Ўзбекистон делегацияси томонидан ўтказилган тақдимотлар туфайли инвестиция соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тадбиркорлик соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот олдик. Бу борада мамлакатларимиз компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим, деб ўйлайман.

Чжао Бин, хитойлик тадбиркор:



тон билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлигини билдирди.

Корхонамиз рангли металлургия саноати ҳамда бу борада асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга. Ўзбекистон минерал ресурсларга бой давлатдир. Бугун биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз.

Гуань Пейин, Хитой мебель саноати сифатини ошириш институти директори:



— Пекиндаги Ўзбекистон маданият



— Бугун 14-Хитой халқаро сармоя ярмаркасида иштирок этдим. Биз, бизнес вакиллари, Ўзбекистон ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлдик.

Тадбир доирасида ташкил этилган Ўзбекистон павильонига ташриф буюрдим. Бу ерда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли тўқимачилик, қандолатчилик, озик-овқат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Компаниямиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган. Ўзбек тадбиркорлари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдоримиз.

— "Дунё" АА, Пекин шаҳри.

ЯНГИ НАШР

Яқинда "Zamin nashr" нашриётида шарқшунос, тарих фанлари номзоди Хуршид Файзиевнинг "Шоҳрух Мирзо ташқи сиёсатида Дашти Қипчоқ ва Мўғулистон" номли қимматли тадқиқоти чоп этилди. Китоб сўз боши (3-4-бетлар), Шоҳрух Мирзо тўғрисидаги тарихий очерк (5-14-бетлар), кейинги икки қисмда (15-39- ва 40-70-бетларда) Дашти Қипчоқ ва Мўғулистон билан бўлган дипломатик муносабатлар ўрин олган. Асар ихчам (71-72-бетлар) хулоса билан якунланган. Унда Темурийлар салтанати ташқи сиёсати ва дипломатиясининг жуда муҳим жиҳати — XV асрдаги улкан салтанат ва яқин қўшни ҳудуд ўртасидаги сиёсий, дипломатик муносабатлар тадқиқ этилган. Тадқиқот мавзусининг муҳим ва долзарб жиҳатларидан бири шуки, бугунги Ўзбекистоннинг яқин қўшилари — аввалги Дашти Қипчоқ ҳудуди Қоғозистон, ўша даврдаги Мўғулистон эса Қирғизистон ҳудудларини қамраб олади.

МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ТАДҚИҚОТ

Ўтмиш халқлар тарихини бирламчи ёзма манбаларга асосланган ҳолда, ҳар томонла тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу жумладан, юртимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлган Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини чуқур ўрганиш ва уни тарғиб этиш ўзбек фанининг устувор вазифаларидан биридир.

Ўз даври учун улкан салтанат яратиб, қитъалараро халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар, маданий алоқаларни ривожлантирган, адолат тамойилларига таяниб давлат бошқарган буюқ давлат арбоби, енгилмас саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари бўлган Темурийлар даври тарихи нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон цивилизацияси тараққиётида умумэтироф этилган давр сифатида тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Хуршид Файзиевнинг "Шоҳрух Мирзо ташқи сиёсатида Дашти Қипчоқ ва Мўғулистон" номли китоби ана шундай тадқиқотлардан биридир.

Амир Темур вафоти (1405)дан кейин 1409 йилгача Темурийлар салтанатида Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Халил Султон, Мирзо Пирмухаммад ва бошқалар ўртасида тахт учун кураш олиб борилган. Натижада улкан салтанат инқирозга учраш арасида бўлган. Бундай қалтис вазиятда пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон подшоҳи — Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзо аста-секин салтанат ҳокимияти тепасига келган ва унинг асосий хатти-ҳаракати салтанат ҳудуди бирлиги ва асосий қудратини сақлаб қолиш, тиклаш бўлган. У кучли марказлашган салтанатнинг асосини сақлаб қолиш йўлида курашди, мамлакатни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган кучларни бир жойга тўплаб, улар билан биргаликда ўзбошимча амриликлар, марказлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланган ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди.

Ушбу китобда Шоҳрух Мирзонинг дунёга келиши, ёшлиги, 1397 йилда Хуросонга ноиб этиб тайинланиши, 1405 йилда Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳрида тахтга ўтириши ва 1409 йилда Мовароуннаҳр учун олиб борган курашлари қатор ёзма манбалар, хусусан, Низомиддин Шомийнинг, ибн Араб-шоҳнинг "Амир Темур тарихи", Фасиҳ Аҳмад Хавафийнинг "Мужмали Фасиҳий", Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ва Абдуразақ Самарқандийнинг "Матлаи саъдий ва мажмаи баҳрайн", Ғиёсиддин ибн Хумумдин Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар" асарлари ва замонавий тадқиқотлар асосида амалга оширилгани билан қимматлидир.

Қарийб беш йил мобайнида Темурийлар давлатининг марказида кечган сиёсий курашлар натижасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Шоҳрух Мирзонинг олдида салтанатнинг ички бошқарув тизимини тартибга солиш, чегараларни мустаҳкамлаш ва қўшни давлатлар билан сиёсий муносабатларни йўлга қўйиш каби низоҳатда мураккаб вазифани амалга ошириш турар эди. Зеро, энг яқин қўшилاردан бири бўлган Чингизийлар ҳукмронлик қилаётган Мўғулистон ва Дашти Қипчоқ ҳудудидagi сиёсий кучлар билан муносабатларни тартибга солиш, мазкур жойларда салтанат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилиш ўта долзарб аҳамият касб этган эди.

Шоҳрух Мирзо Хуросондан ташқари Мовароуннаҳрда мустаҳкам мавқега ва қатор сиёсий муваффақиятларга эришгани, ташқи сиёсатда чегарадош давлатлар билан аҳтиёткор муносабатда бўлганлиги, Дашти Қипчоқ ҳукмдорига нисбатан юритган ўзига хос сиёсати ва Олтин Ўрда ҳукумати билан илқ муносабатларни ўрнатилиши интилишининг сабаблари тадқиқотда кенг ёритилган. Шоҳрух Мирзо даврида Дашти Қипчоққа нисбатан кенг қамровли ҳарбий юришлар амалга оширилмай, асосан, бу ердаги Чингизий сулолалари дипломатик йўл билан жиловлаб туришга эришилгани ишонарли далиллар асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи қисмида Шоҳрух Мирзонинг Мўғулистонга нисбатан тутган сиёсати таҳлил қилиниши билан бирга Амир Темурнинг мазкур ҳудудда олиб борган сиёсати тарихига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу эса ўқувчига нафақат Шоҳрух Мирзо, балки Амир Темур сиёсати ҳақида кўплаб маълумотга эга бўлиш имконини беради. Рисолада манбалар асосида келтирилган маълумотларга қўра, Шоҳрух Мирзонинг ҳарбий стратегик мақсадларни қўлаб Мўғулистон ҳукмдорларига нисбатан олиб борган сиёсати натижасида мўғуллар Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларига талончилик босқинларини муваффақиятли амалга ошира олмагани, Шоҳрух Мирзо ҳукмронлик қилган даврда Мовароуннаҳр минтақасининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ҳамда Хитой билан дипломатик муносабатларнинг юқори даражада амалга оширилишида муҳим омили бўлиб хизмат қилганини кўришимиз мумкин.

Китобда Темурийлар даври дипломатияси тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун қимматли маълумотлар жамланган бўлиб, улар, асосан, ўша замондаги қимматли ёзма манбалардан олинган ва тадқиқ этилган. Шунинг учун ҳам ушбу муҳим ва қимматли тадқиқотни темуршуносликка қўшилган муҳим ҳисса деб баҳолаш мумкин.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
ЎзФА Темурийлар тарихи
давлат музейи катта илмий ходими,
тарих фанлари доктори, профессор,
Шахноза МИРАЛПЕВА,
ЎзФА Темурийлар тарихи
давлат музейи бўлими mudiri,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

ЎХАМКАСБ

УМРНИНГ БИР САҲИФАСИ

қутлуғ 80 ёшни қаршилаётган таниқли фотожурналист Ҳақим Солиҳов ҳаётидан бир лавҳа

Ёз кунларининг туни қисқа, киприкларининг юмиб очгунигча тонг отганини ҳам сезмай қоласан. Саҳарда янграйдиган азон товуши ёки шарқираб оқётган сув бўйидаги кўкка буй чўзган қайрағоч шохларида сайраётган қўшанин овозидан кўзларинг "яроқ" этиб очилиб кетади. Бундай ҳолат, айниқса, "қуш уйқуси" бўлиб қолган кексалар учун одатга айланади. Қани энди қайта ухлай олсанг. Уйқу қаёқда, аксинча, ҳаёл тулпорлари хотира қанотларида парвоз қилиб, умр саҳифаларини варақлай бошлайди...

Бундай вақтларда Ҳақим ота ортқ ёта олмайди. Юз-қўлини ювиб, кийинади-да, умргузаронлик қилаётган кўп қаватли уйининг пойида оқётган Қичқирқ қанали соҳилига тушиб боради. Қирғоқлари бетон билан мустаҳкамланган сув бўйидаги ўриндиққа жойлашиб олиб, мавжланиб оқётган тўлқинлардан кўз узмай хотиралар уммонига ғарқ бўлади...

...Иккинчи Жаҳон уруши ғалаба билан тугаганига ўн йилдан ошган бўлса ҳам халқнинг ахволи ҳаминқадар. Пойтахт аҳолиси учун ҳам қозонга ўт ёқиш, қишда уйларни иситиш учун ўтин ва кўмир ғамлаш одатий ҳолга айланган. Дурқун гавадали, ўн икки ёшлар атрофидидаги Ҳақим фарзандларнинг каттаси бўлганидан оиласига қўлидан келганича ёрдамлашиш учун тиним билмайди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Отаси — Асил ака қурилишда ғишт терувчи бўлиб ишлайди, онаси — Каромат опа эса уй бекаси, уч фарзанд тарбияси билан андармон.

Ёз кунларининг бирида Ҳақим Анҳор канали бўйидаги қуриб қолган даракт шохларини синдириб, чилбир билан боғлаб, кўтариб кетишга кучи етмаганидан уйига судраб кета бошлади. Шох-шаббалардан тўкилиб қолаётган барглари йўл бўйлаб сочилиб, чор-атрофини ифлос қилаётганлиги ҳам сезмасди. Чилбирни елкасидан ўтказиб, ердан кўз узмай бор кучи билан ўтин судраб бораётган болакай беҳосдан қаршисидан чиқиб қолган икки кишини кўриб, кўриб кетди. Ўғрилиқ устида қўлга тушгандек вужудда титроқ кўзгалиб, кўзлари ерга қадалди. Анҳор канали бўйида чор-атрофни кўздан кеचириб, нима ҳақдадир сўхбатлашиб келаётганлар чехрасида норозилик ифодаси яққол сезилиб турарди. Улардан бири — тик гавадали, сочи орқага силлиқ қилиб таралган, оқ кўйлак-шим кийган, нигоҳлари ўткир киши Ҳақимни сўроққа тутди:

— Қимнинг фарзандисан?
— Асил аканинг ўғлиман, — деди Ҳақим эшитилар-эшитилмас оҳангда кўзини ердан уза олмай.
— Қаерда турасан?
Савол бераётган кишининг овози мулоимлашганидан анча ўзини тутиб олган Ҳақим дона-дона жавоб қайтарди:

— Кўприкнинг нариги бетида, Строительный кўчадаги 2-уйда, — деди-ю, нотаниш кишининг шериги ён дафтарига нималарнидир тез-тез ёзиб олаётганига кўзи тушди. Аммо нима учун ёзиб олаётганига тушунмади.

Ҳақим айтган манзил давлат идоралари жойлашган Қизил майдонни ажратиб турувчи Анҳор каналининг нариги бетида жойлашган. Қиёт номи билан аталувчи маҳалла уйларининг ақсарияти паҳса, хом ғишт ёки гувала билан тикланган, шароитлар ҳам шунга яраша эди.

— Тўкилган барглари супуриб қўяман, — деб пичирлади Ҳақим жазодан кутулиб қолиш умидида.

Уни сўроққа тутган киши бир оз ўйланиб турди-да, шеригига нималарнидир тушунтирганча йўлларида давом этдилар.


Савол-жавобнинг оқибати нима бўлишига ақли етмай, уйига терлаб-пишиб етиб келган Ҳақим бўлиб ўтган воқеани онасига сўзлаб берди. Унинг гапларини эшитиб, Каромат опаки ваҳима босди. "Энди нима бўлади? Наҳот ўғлини қамаб қўйишса... Унда нима қиламан?" Бир неча кун юрак ўйноғида юрган она яна бир муаммага дуч келди.

Шундай кунларнинг бирида нотаниш шофёр уйларининг эшиги тагига бир машина саксовул келтириб тўқди-да, қандайдир хужжатга қўл қўйиб беришларини сўради. Бировнинг наҳасига ҳам хиёнат қилмайдиган Каромат опа осмондан ёғилгандек остонасига тўкилган ўтинларни ҳарчанд рад қилмасин, фойдаси бўлмади.

— Менга шу манзилга етказишни буюришган, саксовулчи олганингиз ҳақидаги хужжатни олиб бориб кўрсатишимиз керак, — деб оёқ тираб туриб олганидан сўнг, ноилоҳ имзо чекиб берди...

Ҳақим ота сувнинг қирғоққа шалолаб урилганидан чўчиб тушиб, хаёлларини йиғиб олди. Болалигида нотаниш кишилар билан бўлиб ўтган қутилмаган учрашув таассуротлари уни яна беғубор болалигига қайтаргандек бўлганди. Ўша вақтда ўзи билан савол-жавоб қилган саховатли инсон — Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидов эканлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди...

Ҳақим ота соқин оқиб ётган сувдан нигоҳини узмай ўтирар экан, "Умр — оқар сув", деган гап бежиз айтилмаслиги ёдига тушди. Кечагина эди кўчада тупроқ чангитиб, тенкурларни билан футбол ўйнаб юрганлари, ёшлигида устози Абдухамид Усмоновдан фотоапаратда расм олиш сирларини ўргангани. Кейинчалик Ватан олдидаги фарзандлик бурчини бажариб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, умрини шу касбга бағишлаб кам бўлгани йўқ. Москвада "Правда" газетаси нашриётида бир йил ўқиб, малака ошириб қайтди. Республикада чоп этиладиган "Тошкент оқшом", "Комсомолец Ўзбекистана", "Театр", "Фильмз" каби газета ва журналларда фотомухбир бўлиб хизмат қилди. Бир қатор таниқли



давлат ва жамоат арбобларининг суратларини, юртимизда юз бераётган янгиликларни тарихга муҳрлади. Турмуш ўртоғи Холида опа Маҳмудова билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли, оилали қилди. Ўғли Зафарнинг умри қисқа экан, юрагининг бир парчасини узиб кетди. Аммо унинг фарзандларини кўриб, кўнгли бир оз таскин толгандек бўлади. Ҳозир Наргис, Юлдуз, Шаҳноза исмли қизлари, бири-биридан ширин неварачеваралари ардоғида. Уларнинг қувнок чехраларига нигоҳи тушар экан, беихтиёр яна болалигини эслайди. Баъзан Анҳор канали ёқасидаги асфальт йўлда ўтин судраб келаётгани кўз олдида жонланиб, саховатли инсон билан бўлиб ўтган учрашув, савол-жавоблар хотирасида қайта-қайта тикланади. Дарвоқе, Ҳақим ота касб тақозоси билан бағри кенг у инсон билан яна икки марта юзма-юз сўхбатлашиб бахтига мурасар бўлганди...

Мавриди келса, бу ҳақда кексалик гаштини сураётган республикада таниқли фотомухбир, саксон ёшни қоралаётган Ҳақим ота Солиҳов умрининг ниб батдаги саҳифаларидан сўз юритамиз...

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

НУР СОЧАЁТГАН ЮЛДУЗ

1-6.

Бу машур мақбара ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган ва бундан кейин ҳам ўзининг табиий гўзаллиги билан жаҳон аҳлини ҳали-ҳануз лол қолдираётган муҳташам ёдгорлик ҳақида турлича фаразлар ҳамда илмий мақолалар ёзилишига асло шубҳа қилмайман. Чунки бу тарихий обида ҳар бир саёҳатчида ўзгача фикр, ўзгача таассурот уйғотиши шубҳасиз.

Тож Маҳал Бобурийлар сулоласининг вакили Шоҳ Жаҳон томонидан суюкли рафиқаси Аржуманд бону — Мумтоз Маҳал бегимга атаб қурдрилган. Айрим тарихий манбаларда қайд этилишча, унинг тарҳини чизишда шахсан Шоҳ Жаҳоннинг ўзи ҳам иштирок этган. Ҳаёлимда гўжон уйнаётган бу фикрларни бир зумга тўхтаиб, электромобилдан тушдик.

Мен боя айтганимдек, Тож Маҳални ўзгача тасаввур этард эм. Ҳаёлимда у алоҳида мақбара, ҳеч қандай дарвозадан кирилмайди, деб ўйлардим. Янглишган эканман. Сайёҳлар оқими ортидан юрар эканман, бир неча бор текширишлардан ўтгандан сўнг маҳобатли дарвоза олдига етиб келдик. Маҳаллий аҳоли уни Дарвозаи Рауза деб атаб экан. Уни бошқача айтганда, мақбарга кириш дарвозаси, деб аташ ўринли бўлса керак. Чунки Тож Маҳалга шу дарвоза орқали кирилди. Дарвоза олдида жуда катта яшил майдон бўлиб, унинг четида ярим айлана шаклидаги қатор иншоотлар қад ростлаган. Кўм-кўк майдонда 400 ёшли баньян дараклари сайёҳларга салом бергандек шохларини сал эгиб турарди. Сайрбоннинг айтишича, Тож Маҳални куришда иштирок этган 20 мингга яқин киши шу биноларда яшаган. Дарвоза тепасининг олди ва орқа томонларида 11 тадан гўмбазлар саф тортиб турарди. Бу эса муҳташам ёдгорлик неча йиллар давомида куриб битказилганлигини англатар экан. Дарвозадан ичкарига кирар эканман, тўрида мен куришни неча йиллар оруз қилган Тож Маҳал ўзгача фунунок ҳолатда турарди. Ҳар чиройини намойиш этиб турган бу мақбара оқ мармардан ишланган бўлиб, тўрт чеккасида соқчилардек турувчи ўнг томонга бирос қийшайган 42 метрлик тўртта минара. Уртада эса келинчақдек товланиб турган оппоқ гўмбазли Тож Маҳал!

Тўғриси айтсам, унинг чиройини таърифлашга, гўзаллигини тараннум этишга сўз бой-лигим етмайди. Дарвоза зиналари бўйлаб паства тушар эканмиз, Тож Маҳал олдидаги қатор арчалар ўртасидаги 50 дан ошқ фавворалар ўрна-тилган ҳовузга кўзимиз тушди. Ҳовуз ёқалаб юрар эканман, Тож Маҳалнинг икки томонида мадраса (масжидлар) кўришиб турарди. Чап томонда под-шоҳлар, ўнг томондаги масжидда эса ўша даврда оддий одамлар намоз ўқиган. Ҳозирги кунда ҳам фақат пешинда икки соатга масжидлар ишлаб тур-рар, намозxonлар намоз ўқишига руҳсат берилар экан. Бир кунда Тож Маҳални зиёрат қилгани ўрта ҳисобда 50-60 минг, кузда эса 100 мингга яқин сайёҳ келар экан. Тож Маҳал фақат оқ мармардан ишланган бўлиб, эрталаб пушти, кундузи оқ, кечки пайт олтин рангда товланиб тураркан. Тарихий обидани безатишда 28 хил кимматбахо тошлар (зумрад, ёқут, гавҳар ва ҳоказо) дан фойдаланил-ган. Тож Маҳални куришда Эрон, Туркия, Туркистон ва дунёнинг жуда кўп бошқа давлатларидан усталар иштирок этган.

Тож Маҳал 1631 йилда Шоҳ Жаҳоннинг суюкли хотини Аржуманд бону — Мумтоз Маҳал бегим ва-фотидан 6 ой ўтган, куриша бошланган ва 1653 йилда тўлиқ куриб битказилди. Айрим манбаларда бундан камроқ йил (масалан, 15 йилга яқинроқ) ҳам кўрсатилган. Менимча, бу ҳам тўғри фикр бўлса ке-рак. Бирок унга сайёҳ бериш ишлари давом этган бўлиши табиий. Ривоятларда ёзилишча, ақли ва доно, гўзалликда тенгсиз малика ўлими арафасида ўнга атаб тенгсиз обида куришни васият қилган. Шоҳ Жаҳон суюкли рафиқасининг тилагини амалга ошир-ган.

Аҳамиятлиси шундаки, бу тенгсиз мақбара тўрт томонидан ҳам бир хил кўринади. Мақбара ичида ўртада Мумтоз Маҳал бегим, ёнида эса Шоҳ Жаҳон-нинг рамзий қабрлари (асосийси паства) жойлаш-ган. Аржуманд бону бегимнинг қабри кичикроқ, чап томонда жойлашган. Шоҳ Жаҳоннинг қабри катта-роқ.

Шоҳ Жаҳон бу ерга кейинроқ, бино курилиши ту-галлангандан сўнг ўгли Аврангзеб томонидан дафн этилган. Шу сабабли ички симметрия бирос бузил-ган. Мақбара Жамна (Ямуна) дарёсининг ёнида барпо этилган.

Сайрбон Депен Шарманинг айтишига қараганда, мақбара асосини қизил ёғоч (ёки қовоқ дарахти) таш-кил этади. У доимий равишда дарё сувидан озикла-ниб туради. Шу сабабли ҳукумат дарё сувига ниҳо-ятда катта эътибор беради. Дарёнинг ўнг томонида курилиши бошланган, яъни Шоҳ Жаҳон ўзига атаб қурдирмоқчи бўлган мақбаранинг асоси кўзга ташла-нади. Мақбара курилиши Аврангзеб даврида тўхта-тиб қўйилган. Чунки Тож Маҳал курилишига ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфланган...

Ҳозирги кунда Ҳиндустоннинг фахрига айлан-ган Бобур ва Бобурийлар қурдирган муҳташам са-роилар, мақбара ва масжидлар қалбимда ички ғу-рур ҳамда авлодларимизга бўлган ҳурмат ҳиссини янада оширди ва биз Аградан Деҳли томон йўлга тушдик. Буюк аждодимиз Бобур ҳазратлари ўз газал-ларининг бирида шундай қилган эдилар:

**Бори элга яхшилик қилгилки,
бундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилик.**

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бори элга яхшилик қилган Бобур ва Бобурийлар нафақат бизнинг, балки дунё-нинг фахрига айланган. Улар қурдирган обидалар эса башариат қалбига зўгуликча чорловчи маёқ сифатида нур таратиб тураверди.

Тож Маҳал эса самодоғи энг ёруғ юлдуз каби нур сочиб тураверишига ишонаман. Зеро, Шоҳ Жаҳон-нинг ўзи бу обида ҳақида шундай деган экан: "Ер юзидида одам боласи бунд бунёд этишга қодир эмас, бунинг шакли-шамобили осмондан туширилгандир". Эдвард Лир деган инглиз арбобининг фикрини ҳам ўкиб кўринг-а: "Ахли дунёни икки тоифага бўлиш мумкин, биринчиси Тож Маҳални кўрганлар, иккин-чиси — кўрмаганлар" (А.Иброҳимов. "Бобурийлар мероси").

Фикримча, буюк аждодимиз Бобурийлар томо-нидан қурилган ва Ҳиндустон рамзига айланган бу муҳташам обидага бундан ортқ таъриф бўлмаса ке-рак...

**Баҳром АКБАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.**



БЎЛҒУСИ МУХБИРЛАР

“МАҲОРАТ МАКТАБИ”ДА ТОБЛАНДИ

1-6.

Тадбирда Х.Салимов бугунги журналистика, соҳани ривожлан-тириш учун давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар, ай-ниқса, ёшларнинг эркин ижод қилишлари учун бошланган хайрли ишларнинг изчил давом этаётгани, ёш мухбирларнинг мақсади бугунги ахборот асрида ахборот тарқатиши сифатли, холис амалга ошириш сирла-рини ўрганиш, ўрганганларини амалиётда қўллаш экани ҳақида тўхтади.

Тадбир Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими хузуридаги “Журна-листик маҳорат мактаби” тингловчиларига сертификат бериш маросими билан да-вом этди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мактаб “Зарафшон” газетаси қошида бундан 18 йил ав-вал ўз фаолиятини бошлаган. Айни пайтда бу мактаб фаолияти Ўзбекистон Журна-листлар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими хузурида давом эттирилмоқда.

Опти ойллик курс давомида “Маҳорат мактаби” тингловчилари томонидан махсус “Зиё” ўқув газетаси тайёрланди ва чоп этилди. Газета тайёрланиш жараёнига тинг-ловчиларнинг ўзлари масъул бўлди ва ўзларининг танқидий-тахлилий, мулоҳазали материаллари жамланиб, чоп этилди.

— Самарқанд давлат университетининг филология факультети ноширлик иши йўналишида тахсил оламан, — деди тингловчилардан бири Гўзал Хуббимова. — Жур-налистика соҳаси, айниқса, газета мухбирлигига қизиқман. Шунинг учун дарсдан кейин “Маҳорат мактаби”га қатнадим. Бу ерда олган амалий сабоқларимиз универ-ситетда олган назарий дарсларимиз билан уйғунлашиб, журналистика нима эканли-гини англадик. Дарс машғулотларидан кейин “Самарқанд матбуот музейи”га қилган саёҳатимиз бизга жуда кўп маълумотларни тақдим этди.

Тадбир давомида 13 нафар тингловчига Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Са-марқанд вилоят бўлими қошидаги “Журналистик маҳорат мактаби”ни тугатганили тўғрисидаги сертификатлар тантанали тарзда топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

КЕЧИНА

“Гаплашиб ўтириб, эрмак қилиб бир катта лаган тўла гилосни еб қўйибмиз”, — деганди кимдир.

Биз-да ўзимизни не бир ишлар билан андармон санаб, етмиш ёшдан ҳам ўтиб кетибмиз. Нолиш эмас, аънаванга чўқур хўрсиниш эмас: тўрмишим анча олисда қол-ганимни осойишта тан оладиган бўлдик...

Устозимиз Зулфия опа аини шу ёшларида: “Тугунларимни тугиб-туғиб тайёр қилиб қўйишим керак”, — деган гапни кўп айтар-дилар.

Мундоқ қараганда, умрнинг ҳамма фа-лида тенкуралар, даврдашлардан фа-олроқ, тиниб тинчимайдиганроқ, эъти-борга сазоворроқ кўринганлардан бири-декман. Аммо бугунги чўқур хўрсиниш, ички оғриқларнинг сабаби тўрмишим анча олисда қолгани эмас, балки токчага қўйиб, елкан тикка қилиб қарайдиган тугунлар-нинг сониям, салмоғиям ҳаминқадарга ар-зирмиким...

Қалбда балоғат йўқ, шунданми, жисму руҳиятимда ҳаловат йўқдек.

...Иш фаолиятим аввалида Марғилондаги қизлар педагогика билим юртида ишлаганим, кейин “Саодат” журналида қариб ўн беш йил фаолиятда бўлганим сабабми, журналистик каламим деярли хотин-қизлар ҳаёти билан боғланди. 1970, 80, 90-йилларда республика хотин-қизлар журнали, “Халқ сўзи” газетаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ижодий ходими сифатида сафарларда бўлиб, юртимизнинг турли ҳудудларида қўлган-ке-чирганларим мисоли ҳужжатли фильмнинг оқ-қора тасвирлари каби. “Оқ-қора тасвир-лари” деганим хотирам хиралашгани сабабли эмас, балки у манзараларнинг асли ранги-рўйи бўғиқ, гамгин, ночор эди: эрта баҳордан кеч кузгача куннинг қайси соатида борманг, пах-тазорларнинг муқаддимаси тутларга осилган беланчаклардан иборат “боғча”лар бўларди. Кичкинтойлар нечталигидан қатъи назар, қуруқ бўйидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган “боғча опа”, беланчакларда қай бири йиғлаган, қай бири чивинлар ҳужуминиям ҳис этмай ухла-ётган ранглар, озгин болалар. Гўдакларнинг сабри катталарниқидан ўтарди, улар оналари тушликка чиққанда кўкрак тутгунча ёки лўқма бермагунча, чидашга маҳжум эдилар. Заҳарли дори ҳиди уфуриб турган даладан чиққан она-ларнинг пахтазор эгитларидан силқиб оқаёт-ган сап-сарик сувда қўлларини ювиб, дори ҳид-лари уннаб кетган қўйлақларини дилбандининг юзига босиб эмизганлари, эрқалатларини кўриб... аини ўша паллада туман марказларининг ҳамма бўлимлари юқумли касалликларга мослаштирилган, сарик ва ичбуғур билан орти-ган онаю болаларга тўлиб ётгани сабабини англадим. Аммо... аини кўриб ўрганганларим “натيجаси” сифатида республика матбуот нашрларида “далаларда ҳосил мўл-кўллиги, уни етиштирганларнинг ғайрату шжжоати, фи-дойилиги, улар дам олиши учун яратилган ша-роитлар, режалар бажарилгач, деҳқонларнинг боши осмонга етиб хурсанд бўлгани” ҳақида баландпарвоз сарлавхалар остида мақолала-рим чикарди. Аслида, вазият чин ватанпар-вар, халқпарвар инсонлардан хотин-қизларни, уларнинг фараздларини оғуға чўмилтирил-ган даладардан тезликда халос этиш учун ўттар, чўққа бўлса-да, қўрмай киришни талаб қиларди. Мен эса “жонкуяр”, “халқсевар” қа-ламшаклигимни қизил империя синчлари сина бошлаган “ошкоралик, қайта куриш” йиллари-дагина Ўзбекистон оналар ва болалар ўлими бўйича иттифоқдош республикалар ўртасида биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб тур-

гани, оналарнинг сутидан ҳам “пестицид” каби заҳарлар зарраси чиққани, ҳарбий хизматга чақирилган ўзбек ўғлонлар бошқа миллат ва-килларига қараганда бўйи пастлиги, нимжон-лигини куюнчақлик билан ёзишда намоён эт-дим.

Ҳар йили Тошкентнинг Санъат саройида бўладиган қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг қурултойидаги манзаралар кўз олдимда: шу соҳада ишлайдиган хотин-қизлар ҳақида катта мақолалар тайёрлаш учун қурултойга борардим. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳта-шам, катта кўринадиган саройнинг саҳнаси-дан залга қарасанг, ғўж-ғўж эркаклар ора-сида худди кенг яйловда яккам-дуккам очилиб қолган лолакчалардек қайи у ер-бу ерда аёл-лар кўринарди. “Тавба, колхоз, совхозларга борсанг, баҳордан кеч кузгача далалар, по-лиэтарлар, болларда кетмон чопган, яғанаю че-канка қилган, пахта терган, мева-чеваю сабза-вот йиғиштирган, асосан, аёллар. Хирмонбо-шида, тарози ёнида уч-тўртта эркак кўринади. Бу ерда — ҳосил байрами бўлган қурултойда эса тамоман тескариси”, деган ҳазилнамо зил

кўз ўнгиди қип-яланғоч қилиб калтаклангани; ҳукумат идораларидан наҳот кутиш хом хаёл эканлигига иқдор бўлиб, эрининг ноинсоний зулму тажовуларидан болалариниям, ўзи-нияма кўтқармоқ ниятида қўтилган айланиб қол-ган аёл... бу каби тақдирларга журналист сиф-атида аралашиб қилган ишларим натيجаси саҳифаларда қолган ёзувлар, холос. “Опа, Олий суд эшигидан кириб борсам, овозимни эшитиб ҳамма бўлимлар хоналарини беркитиб олишади. Баъзилар менга қараб қилиб ўтири-шади”, — деганди жабрдийда аёллардан бири. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади.

Вазифамни бажарган бўлиб, томонларни тинглади, идоралардан маълумотлар ол-дим... бора-бора бу ҳаракатларим бефойда эканини олдиндан англай бошладим. Шундай бўлса-да, қўриб кўрмасликка, билиб билмас-ликка олдим, муаммолар сабаби ижтимоий адолатсизликларда эканини ёзмадим.

Балки, менинг йўқлаб боришим, кўзига ти-килиб ўтириб дардларини тинглашим қай бир

моғини белгилайди. Мен жамиятта нима ман-фаат келтирдим?

Юқорида тилга олинган ҳаётий вазиятлар ҳақида гап кетганда, “Замон тўғри, рост гапни айтишга йўл бермади. Кўпчилигининг дарди ичида эди. Мен ҳам ўшаларнинг биттасиман”, — деб ўзимизни оқлашимиз ҳеч кимни ажаб-лантирмай қўйган. Аслида, бу оқловнинг туб моҳияти “Мен шу ишни эпололмадим, қўлимдан келмади”, — дегани эмасми? Бундай ношуд-лик билан қуруқ аравани тарақлатиб тортикла-нганда кура, олий ўқув юртида ўқитган устоз-ларимнинг меҳнатларини зое қилмай, ўқитув-чилик қилсам; онаминг касби — дўппи тикиб ноиними халолласам; тўқувчилик, фаррошлик билан меҳнатим самарасидан кўнглим тўлса бўлмасмиди? Ахир шахсий ҳаёт йўлини тан-лаш ихтиёрим бор эди-ку!

Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади. Ҳаёлимда кўзимга жуда муҳташам, катта кўринади.



гап ҳаёлимдан кетмасди. Бирок... “эрқагу аёл ҳуқуқларини тенг қилиш” шiori остида хо-тин-қизларнинг нозик ҳилқатларини мутлақ ин-кор қилган, уларни аёллик, оналик соадати-дан мусово этишни мақсад қилган собиқ ту-зумнинг жамият мувозанатини бузиб ташлаган бу адолатсизлигиндан норозилигим яқинлар билан кичик давралардаги суҳбатлардан ташқа-рига чиққан эмас. “Миллионлаб тоннаги хир-монларни юксалтиришда фидойи, жонкуяр хотин-қизларнинг чин дилдан қилган меҳна-тио муваффақиятлари” тўғрисидаги мақола, очеркларим билан ўша давр тегириғи моҳи-тига сўйилган инкор эътилоимам энди.

Мустақиллигимизгача... ўзи лой чангаллаб курган келинлик уйдан эри томонидан бешта қизи билан пахтазорнинг вайрона дала ший-понига ҳайдаб чиқарилган она-пахтакор; 1988 йилнинг 1 май кун 28 кунлик чақалоғи бўлган онанинг кўшилари — тил-адабиёт муаллим-лари ва болалар шифокори кўчада, ҳамманинг

опа-сингиллар учун вақтинчалик таскин, уни-дорликка сабаб бўлгандир. Аммо охир-оқи-батда кишининг муаммоси хал бўлмаса, ҳаёти энгиллашмаса, қадри тикланмаса, инсон каби яшашига имкону шароит яратилмаса, жур-налист ёки обрўли идора ходимининг бундай таширф, мақолаю маърузаларининг нима ке-раги бор?! Аксинча, “урса эти, сўкса бети қо-тади”, дейилганидек, қоғозу матбуот саҳифа-ларида сўзлигича қилиб кетадиган, амалга айланмайдиган эҳтиросли, баландпарвоз га-плар кимларгадир аини мудоао бўлиб: “Шу ёзув-чизувинг билан кўнглинг тинчмаса, биз ҳам сендан қутуладиган бўлсак, хоҳлаганингча ёзавер!” — деган бўлсалар, ажабмас.

Бинокордан иморатлар, деҳқондан ҳосилу хирмонлар, ўқитувчидан ёш авлод онгу шуу-рини ёритадиган илму маърифат, тивкувчи-дан либослар, хунарманддан кундалик ҳа-ётда асқотадиган буюмлар... — булар умрнинг маъноси, моҳиятини, шахс фаолиятининг сал-

Мустақиллик бизга энг аввало халқу Ватан-ларимизга мутаносиб бўлган орзу-ният-ларимизга етиб яшаш, бу йўлда меҳнат қилиш, курашиш, керак бўлса, талаб қилиш ҳуқуқини берди.

...Кичкина қизим 2004 йили 1-синфга бор-ганда, мамлакатимизда лотин ёзувиға асо-сланган алифбога ўтиш ҳақида қонун қабул қи-лингани учун барча кутубхоналарда матнида “совет” сўзи учраган китобларнинг ҳаммаси чиқита чиқарилган эди. Ота-оналар йиғили-шида синфга гажимдор пардалар, соат олиш, байрамларда ўқитувчиларга нима соғат қилиш ҳақида бошланган тақлиф талабларни эшит-маганга олиб, синф кутубхонаси ташкил қи-лиш ҳақида гапираверганимнинг “ҳосили” қи-зимнинг яқаланиб қолиши, синф раҳбарининг йўлини топиб уни ҳафталаб пол, йўлақарни ювдириши, баҳоларини пасайтириши бўлди. Боламга жоним ачишиб тахлилий мақолалар ёздим — “Маърифат” газетаси тахририяти-

Мухтарама УЎЎҒОВА

ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

УЗОҚ ЙИЛЛИК ИЗЛАНИШ, МЕҲНАТ ВА ТАЪЛИМ САМАРАСИДИР

Ҳар бир соҳада бўлгани каби, журналистикада ҳам устоз-шогирд аънаналари азалдан мавжуд. Олий ўқув юртида назарий билимларни эгаллаган ёшларга иш фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб тажрибали амалиётчиларнинг йиллар давомида шаклланиши иш услуби ва тажрибасини ўрганиши, маҳорат сирлари билан таништириш яхши натижа беради. Шу маънода бугун журналист кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларида назарий билимлар амалий кўникмалар билан уйғун ҳолда мустаҳкамланаётгани, газета ва журналлар таҳририятларида, телевидение ва радиода устоз журналистларнинг маҳорат мактаблари ташкил этилаётгани аини мудоаодир.

Бундан йигирма йил аввал "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида тахсил олаётган иқтидорли талабалар учун махсус маҳорат мактаби ташкил этган эдик. Унга қўлида қалами бор, матбуотда хабар ва мақолалари билан кўриниб турадиган, ижодкорликка мойил ёшларни танлаб олдик. Машғулотлар ижодий иш ёзиш, муаллифларнинг турфа мазмундаги хат-хабарларини нашрга тайёрлаш, таҳрир санъатини ўрганиш, факт ва рақамлардан фойдаланиш, таҳририят почтасини кузатиб боришдан иборат бўлди.

2010 йилдан бошлаб, машғулотлар факультетда, турли таҳририятларда, жумладан, "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналларида ҳам ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг энг яхши ишлари (хабар, мақола, эссе) республика газеталарида мунтазам чиқиш турди. "Ёшлар овози", "Маърифат", "Ўзбекистон овози", "Адо-



лат", "Миллий тикланиш", "Тошкент ҳақиқати" газеталарида махсус саҳифалар эълон қилинди. "Шарқ" нашриётида мактаб тингловчиларининг энг яхши мақолаларидан иборат "Гуллаган дарахт" тўплами чоп этилди.

Ўтган йиллар ичида маҳорат мактабимизда 250 дан ортиқ бўлажак ҳамкасбларимиз тахсил олди. Улардан икки нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, уч нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 6 нафари халқаро "Олтин қалам" мукофотига муносиб кўрилди, 30 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, республика Журналистлар уюшмаси танловларининг ғолиблари бўлишди. Маҳорат мактабимизнинг кўп қатли тингловчилари бугун Ўзбекистон Миллий

ахборот агентлигида, давлат ва хусусий телеканалларда, етакчи газета ва журналларда, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматларида самарали фаолият юритмоқда.

Кейинги беш йил ичида ЎЗМУ журналистика факультети ва "Жаҳон адабиёти" журнали ўртасида ижодий келишувга биноан, маҳорат мактаби машғулотлари журнал таҳририятида ўтказилмоқда. Қўйида маҳорат мактабиде тахсил олаётган талабаларнинг ижодий ишларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ахмаджон МЕЛНБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
"Маҳорат мактаби" раҳбари.

ЙЎЛ КЎП, АММО...

Бу ҳақда узоқ ўйладим. Авваллари ҳаётдан норизолик ҳисси бўларди менда. Уша кайфиятдаги фикрларим энди унутилди. Ҳозир ҳаммасидан мамнундекман, шукроналик туйғусини туймоқдаман. Аммо умр сувдек оқмоқда. Шу ёшга етгунга қадар йўлимда учраган турли инсонларни кўрдим, кузатдим, тингладим, баҳслашдим. Лекин кўпларидан қониқмадим. Ота-онамдан, устозлар-у яқин дўстлардан ва ҳатто ўзимдан ҳам.

Нега дейсизми? "Нима учун қониқшинг керак, сен ўзинг улардан нима изладиң", демоқчимисиз? Таажубингизни тушунаман. Менинг дунё, инсонлар, инсоний муносабатлар,

меҳр-оқибат ҳақидаги тасаввурларим ўта ғўрлигидан бўлса керак бу. Мукамал инсон ҳақидаги орзуларимиз ҳамон орзулигича қолаётганидандир, балки?!

Ҳамма инсон бир хил бўлишга мажбур эмас, албатта. Бу ҳаётнинг ёзилган, лекин амал қилинмайдиган қонунлари кўп экан. Ҳамма яхши инсон бўлишни истади. Аммо бунга эришиш учун ёлғондан, чидамсизликдан, айво ва тўхматдан ҳам бемалол фойдаланади. Бир қарасанг, ҳалол-покликдан сўз очди, бир қарасанг, бутунлай бошқа бир қиёфада.

Биз шундай ҳаётда яшашга мажбуримиз. Ҳар ким ўз йўлидан юриди ва, албатта, фақат ўзининг йўли тўғри, деб ҳисоблайди.

Лобар ТҮРАЕВА

ХАТОДА ҲАМ ХАТО БОР

Инсон зоти борки, умрида бир марта бўлса ҳам хатога йўл кўяди. Кимдир ёлғон гапириб, яна кимдир бировнинг ҳақиқа хийнат қилиб ёки кимгадир ортиқча ишониб хато қилади.

Оила муқаддаслигини англамаган ҳолда турмуш қуриб, кейин ажрашиб, болаларини сарсон қилаётганлар, иймонли инсонларни алдоқ оловда ёндириб, ўзлари ялло қилиб юрганлар, бировларнинг бахтини ўғирлаётганлар,

бу ишлари оғир гуноҳлигини тан олмаётганлар қанча? Бу ҳақда гап очилгудек бўлса, "Ҳа, энди, бир хатолик ўтибди-да", дейишди юзингизга қараб.

Аслида, хатога йўл қўйишнинг ёмон жойи йўқ. Адашган, янгилишган одам кейинчалик бу хатони тақрорламоқчи интилади. Аммо у ўз манфаатлари, нафси учун хато қилаётган бўлса-чи?

Дилрабо АБДУКАРИМОВА

ҲАРАКАТ

Келажагимни тасаввур қила оламан. Бу ўзимга боғлиқ. Ота-онамга ҳам. Журналистикага келишимдан аввал кўп нарсаларни бошқача тасаввур қилган эканман, мана, орадан уч йил ўтиб, ўзимни, келажагимни бироз кеч бўлса-да, англай бошладим. Сабаби, мен қизиққан, ўйлаган нарсалар бошқача эди, бу ерда ота-онам хоҳлаганлари учун ўқиялман, Худо хоҳласа, ўзим қизиққан соҳага яна қайтаман. Бунда менга... журналистика ёрдам беради.

Ҳаётда ҳар кунни қутилмаган ҳодисалар бўлиб туради. Буни биламан. Мен англаган ҳақиқат — фақат орзу билан яшаб бўлмас экан, ширин туш ва орзуларни рўёбга чиқариш учун кўп заҳмат чекиш, муттасил ҳаракат қилиш керак экан. Бунга мен тайёрман.

Мухба СҮЮНОВА

КИМ ТУШУНМАЙДИ?

Ҳаёт нега бундай бешафқат дея нолийдиган инсонлар бор. Менинча, бу — катта хато. Бошига оғир бир сон келса, негалигини ўйламай, нукул арз-дод қилади, синондан ўтгач, бу дунёда мендан бошқа бахтли йўқ, деб босар-тусарини билмай қолади.

Инсон зотини тушуниш қийин — на иссиққа чидайди ва на совуққа. Балки хато ўйлаётгандирман. Аммо шу саволга жавоб тополмайман. Нега бундай бесабрмиз, енгил-елпи ўйлаймиз? Ютуқларимизни-ку, кўз-кўз қиламиз, аммо хато-камчиликларимиздан кўз юмаемиз, бир дўст юзимизга очик айтса, ундан хафа бўламиз. Бирор ҳолат

ёки муаммонинг туб илдизи ҳақида ўйламаймиз. Инсон зоти асли шундай яралганимиз, дейман-да.

Мени ўйлантираётган яна бир муаммо шуки, кўплар ҳеч бир ҳаракат қилмай ҳам катта натижани кутишади. Қозонга масаллик тушмаса, овқат қаредан пайдо бўлади? Бола оилада тўғри тарбия қилинмаса, у одобни қаредан ўрганади? Боғ қилишни ўйлаган одам кўчат экса-ю, уни сугормаса, мева емайди. Наҳотки бунини тушунмаймиз?

Бу мушоҳадаларимни бир даврада айтган эдим, суҳбатдошларимдан бири мени ҳеч балони тушунмасликда айблади.

Дилсўз НАБИЕВА

ОРЗУЛАР УШАЛАДИГАН ЮРТ

Кўпинча ўзимга ўзим савол бераман: "Мен яна уч йилдан кейин қандай натижаларга эришаман, беш йилдан кейин ўзимни қандай тасаввур қиламан, ўн йилдан кейин-чи? Бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган ютуқларим бўладими? Бунинг учун нима қилишим керак?"

Бу саволлар тез-тез, турли ҳолатларда, масалан, тенгдошларимнинг ютуқларига гувоҳ бўлганимда ёдимга тушиб туради. Аммо ҳаёлимдаги уша "мен"га эга бўлиш учун бугун қанчалик ҳаракат қиламан? — бу тўғрида деярли ўйламайман. Чунки ҳаракатимдан ўзим қониқмайман. Тўғри тушунинг, бу — вақтни корга ўтказмоқдаман, деганим эмас. Университет, республика миқёсида маълум ютуқларга эришдим, меҳнатимга яраша эътироф этилдим, атрофимда менга ҳавас қиладиганлар, "Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин", дейдиганлар йўқ эмас. Аммо хотиржам бўлишимга ҳали эрта. Лодфа йўлманг-ку, фақат атрофимдагилар эмас, дунёнинг нариги чеккасидаги бир орзуманд қиз ҳам ҳавас қиладиган инсон бўлишим керак.

Мен ким бўлмоқчиман: аввало, инсон номига тўлақонли муносиб инсон! Кейин мамлакатимиз қизлари ҳавас қиладиган, улар идеалидаги Мухлиса Абдужалилова!

Шундай бўлади ҳам. Чунки биз бугун гўзал орзулар ушаладиган мамлакатда яшамоқдамиз.

Мухлиса АБДУЖАЛИЛОВА



ГЎЗАЛ ЁЛҒОН

Гапнинг очиги шуки, ҳаётда аччиқ ҳақиқатдан кўра ширин ёлғонни афзал кўрадиганлар кўп. Атрофимиздаги ҳақиқатгўй дўстлардан чин юзимизни яшираемиз. Кимгадир ёқиб учун ўзимизни алдаймиз, ўзлимиздан кечамиз, имон-эътиқодимизга путур етказамиз.

Дунё яралибдики, шундай. Кимдир ундан яхши мақсадда, яна кимдир эса ёмон мақсадда фойдаланади. Ёлғоннинг ҳам яхшиси бўладики, деб ўйлашингиз табиий, албатта. Ҳа, бўлади. Оналаримиз дастурхонда бирор тансиқ егулик бўлса-ю, кўпчиликка камлик қилса, албатта, "Менинг қорним тўқ, яқинда овқатланган эдим", дейишади. Ҳаётимизда кўп бор бетоб

инсон ҳолидан хабар олгани борганмиз. Беморнинг ахволи ёмонлигини кўриб турсак ҳам, унга "Аҳволингиз анча яхши, юзингизда касаллик аломати йўқ, тузалиб кетасиз" деймиз. Мантиқан олиб қаралса, бу ҳам ёлғон. Аммо шу қадар гўзал ёлғонки, бунга ҳатто ҳавас қилса бўлади.

Кўнгул олиш — савобли иш. Аммо бу билан ёлғон гапириб мумкин, деган фикрдан йироқман. Ҳар бир сўзнинг, гўзал ёлғоннинг ҳам ўрни бор. Фитна кўзғовчи, яқинлар орасини бузувчи, оилаларни бахтсиз, фарзандларни етим қилувчи, ярамас кирдиқорларни яширишга хизмат қиладиган ёлғонлардан Яратганинг ўзи асрасин.

Зилола ҚАҲРАМОНОВА

КУЗНИНГ ТАЪСИРИ

Ёшим йигирмада. Негадир хаёлпараст бўлиб боряпман. Балки улғайиш ёқмаётгандир. Балки атрофимдаги одамлар, умуман, бу ҳаёт менга ишончсиздек кўринаётгандир. Инсоннинг ёши улғайган сари ақли тўлишиб боради, дейишади, мени эса ақл-идрок тарк этаётгандек.

Ўйлаб қоламан: нега шундай, нимани, қандай ҳақиқатни излаяпман? Бу ҳолат фақат менга тегишлими ё бошқаларда ҳам борми?

Бу саволларга жавоб излаб ўзимни ўзим таҳлил қила бошлайман. Олдинги шошқалоқ, салга жажл қиладиган, катталарнинг маслаҳатини керакисиз насихатдек қабул қиладиган эрка қиздан асар ҳам қолмапти. Фель-атворимдаги кўсурларим, хатоларим билан юзма-юз келиш осон эмас экан. Ақлим ва қўлим ўртасида сарсон жангчиман. Аммо ўзимни оқлаш бироз устунлик қилади. Чунки ҳамма ҳам хато қилади. Бу менинг ҳам ҳуқуқим деб кўяман. Шундай дейман-у, бундай таскиннинг таъсири узоққа бормади.

Ёлғон билан яшаш... Очигини айтсам, ёлғонларимнинг энг хатарлиси — ўзимни алдаганларим, энг ёмони — виждон азови экан. Санокда адашсан, бармоқларинг етмайди. Бўзгинга нимадир тикилади. Жуда оғриқли. Хаёлларим тароқ. Кимдир менга паришонсиз деса, йўқ, бу — кузнинг таъсири деб жилмайиб кўяман. Бу — жилмайиш эмас, навбатдаги ёлғон.

Дурдона ХАЙИТОВА

МУКОФОТ

Баъзан инсон ўзи билан ёлғиз қолганда хатолари ҳақидаги ўй-фикрлари хуруж қилиб, кўрқув исканжасида қолади. Бенжамин Франклин айтганидек: "Тажриба қиммат мактаб, лекин аҳмоқлар учун бошқа мактаб бўлмас-чи?" Хатоларини ўзининг ожизлиги меваси деб биладиган инсоннинг хаёллари арқоннинг туғунига ўхшайди — ўйлаган сари туғунлар чигаллашиб бораверади. Баъзи инсонлар ўзининггина эмас, бошқаларнинг арқонидеги туғунларини ҳам ечиш йўллари ҳақида бош қотиради.

Дунё тарихида шундай хатолар бўлганки, улар тинчликка, эзуликка сабаб бўлган. Ва яна шундай хатолар ҳам бўлганки, улар мамлакатлар, миллатлар орасига нифоқ солган. Буюк олим Альберт Эйнштейнга мамлакат президентлигини тақдир қилишганда, у бу лавозимни рад этган. Агар у бу тақдирни қабул қилганида, бугун у инсонлар хотирасида машҳур олим сифатида ёдга олинмаслиги ҳам мумкин эди.

Мен хато қилишдан, инсонлар тасаввурини ёмон инсон бўлишдан кўрқардим. Хатоларим ҳақида шу қадар кўп ўйлардим, аммо ҳаётдаги катта хатоим — уларни англаб, тан олишни хоҳламадим. Ҳаётимдаги ўзимни кечира олмайдиган энг катта хатоим — ота-онамга фарзандлик ҳурматимни, уларни яхши кўришимни айтмаганим, айта олмаганимдир.

Ота-онам меҳрибон инсон бўлишган, аммо менинг хотирамга болалигимнинг ширин ҳаёллари, ўйинқароқликлар билан ўтган дамларим эмас, отам ҳар сафар спиртли ичимлик истеъмол қилиб келиб, онамга, бизга озор беришлари кўпроқ муҳрланган. Қалбимда ҳар кунни яхши ота қиёфасини гавдалантираддим, аммо шайтон суви уларни аёвсиз ювиб юборарди. Бир сафар отам жажл қилганда, уларга "Сиз сабаб болалик қандай бўлишини ҳис қилмай ўсдим", деб юборганман. Бу шад-додлигим отамга қаттиқ таъсир қилди, менга ҳам.

Тўғри, у вақтларда оиламизда синовли кунлар ҳукм сураётган эди. Мен ич-ичимдан ўзимни оқлаш учун, ёш эдинг, ҳамма ҳам хато қилади, бунда сенинг айбинг йўқ, ҳозир оилада оғир кунлар, деб ўзимга ўзим таскин беришга уринсам-да, аммо отамни ҳеч қачон тушунмаганим, уларнинг жажллари — аслида, менга бўлган муҳаббатлари эканлигини англамаганимни, ўша бахт кушандасини ичишларига болалиқда ўғай онадан кўрган жароҳатлари сабаб эканлигини билиб турсам-да, бунини тан олмасдим. Отам мени яхши кўрганликларини фақатгина уларни касалхонага олиб кетишганида ва ўша кунни тез ёрдам машинасида уйга руҳсиз-жонсиз олиб келишганида тушуниб етганман. Бу иқдор умримни пушаймонликда ўтказишим кераклигини эмас, аксинча, хатоларимни англаб етишим менга ҳаётда яшашимда асосий мақсад нима бўлиши кераклигини, инсон фақат ўзининг ҳиссиётлари оламида яшаш керак эмаслигини ўргатди ва мени маънан улғайтирди.

Хатолардан оқилона фойдаланиш бизга хатоимиз учун берилган мукофотдир.

Шаҳноза НОРМУШИНОВА

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ УЧУН САРМОЯЛАР



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги йилларда Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мақсад битта, халқ, жамият фаровонлиги. Барқарор келажақни таъминлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги йилларда Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мақсад битта, халқ, жамият фаровонлиги. Барқарор келажақни таъминлаш.

Уни банк Бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Бобононов очиб берди. Қайд этилдики, 2023 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-292-сонли қарорга асосан "Қишлоқ қурилиш банк" негизда "Бизнесни ривожлантириш банки" ташкил этилди ва унинг фаолияти устувор равишда кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш ва уларга комплекс хизматлар кўрсатишга йўналтирилган.

Бугун мазкур йўналишда қабул қилинган қарорлар ижроси доирасида банк томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирда ОАВ вакилларига бу борадаги ишларнинг бориши хусусида атрафлича маълумот берилди. Маълум қилинишича, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳузурида халқаро молия институтларининг маблаглари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали истиқболли кичик бизнес лойиҳаларини амалга оширадиган "Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси" МЧЖ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга туширишга қўмаклашиш, уларга консалтинг хизматларини кўрсатишга масъул бўлган 14 та кичик бизнесга қўмаклашиш марказлари ташкил этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-

306-сонли қарорига асосан "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан 2023-2026 йилларда "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурини амалга ошириш белгиланган. Ушбу дастур доирасида бизнес жараёнларини автоматлаштирган ҳолда ташкил этиш учун Бизнес портал ишга туширилди ва тегишли идораларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари базаларига интеграция қилинди. Ҳозирда ушбу Бизнес портал орқали миқозларга онлайн молиявий ва консалтинг хизмат кўрсатилмоқда.

Матбуот анжуманида бу борадаги эришилган натижалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди. 2024 йил 1 май ҳолатига тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 10,5 трлн сўмни (жами портфелдаги улуши – 50,2%) ташкил этгани маълум қилинди. Жумладан:

- саноат соҳасига – 4,3 трлн сўм;



- хизмат кўрсатиш соҳасига – 1,6 трлн сўм;
- савдо ва умумий овқатланиш соҳасига – 1,7 трлн сўм;
- қишлоқ хўжалиги соҳасига – 1,6 трлн сўм;
- қурилиш соҳасига – 1,3 трлн сўм тўғри келади.

Жорий йил давомида тадбиркорлик субъектла-

рига 1 427,1 млрд сўм кредитлар ажратилган. Шундан, 1 170,1 млрд сўми (82%) миллий валютада, 256,9 млрд сўми (18%) хорижий валютада ажратилган. Жумладан:

- саноат соҳасига – 594,3 млрд сўм;
- хизмат кўрсатиш соҳасига – 227,6 млрд сўм;
- савдо ва умумий овқатланиш соҳасига – 251,7 млрд сўм;
- қишлоқ хўжалиги соҳасига – 197,6 млрд сўм;
- қурилиш соҳасига – 155,9 млрд сўм тўғри келади.

Тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитларнинг 57,2 фоизи ёки 816,8 млрд сўми (9 002 та миқозга) ПҚ-306-сонли қарор доирасида ажратилган кредитлар салмоғига тўғри келади. Жумладан:

- 100,0 млн сўмгача гаровсиз кредитлар – 799,6 млрд сўм;
- 150,0 млн сўмгача гаров талаби пасайтирилган кредитлар – 8,5 млрд сўм;
- Бошқалар – 8,7 млрд сўмга тўғри келади.

Жорий йил бошида банк кредит маҳсулотларидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари сони 5 291 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳозирги кунда 3 баробарга ошиб 16 004 нафарга етган.

Банкимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари учун бозор талабларидан келиб чиқиб 30 дан ортиқ турдаги кредит маҳсулотлари жорий қилинди. Жумладан:

- **Мақсадсиз микрокредит (нақд ёки нақдсиз);**
- **Айланма маблагларни тўлдириш учун кредит;**
- **Асосий воситалар сотиб олиш учун кредит;**
- **Янги иш ўрни яратишни рағбатлантирувчи кредит;**
- **Кўп қаватли уй-жой қуриш учун кредит;**
- **Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун кредит;**
- **Ёшларни қўллаб-қувватлаш учун кредит;**
- **Лизинг ва бошқалар.**

Банкимизнинг тадбиркорлик субъектларига кўрсатаётган банк хизматлари натижасида жорий йил давомида банк миқозли бўлган юридик шахслар томонидан 19 740 та янги иш ўрни яратилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун банк

кафолати бўйича 3 турдаги ("Тендер", "Аванс" ва Шартнома шартларини таъминлаш) ноқредит маҳсулотлари жорий қилинган.

Бундан ташқари, миқозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб 20 турдаги банк хизматларини бирлаштирган ҳолда пакетлар ("Бизнесга биринчи қадам", "Бизнесга қўмақ", "Бизнес прайм" ва Бизнес VIP) ишлаб чиқиш амалиёти жорий қилинди. Ушбу банк хизматлари бўйича пакетларга улашининг асосий афзалликларидан бири сифатида ма-софавий хизмат ("Internet-Banking", "Mobile-banking" ва "SMS-banking")ларга улашиш ва ойлик абонент тўловлари белу қилинганлигини қайд этиш мумкин.

Банкнинг кўп йиллик доимий йирик пул оқими эга бўлган 50 дан ортиқ миқозларнинг (тадбиркорлик субъектлари) мурожаатларига асосан, дебет айланмасидан олинган хизмат ҳақида имтиёзлар тақдим этилган.

Ушбу кўрсатилган банк хизматлари натижасида жорий йил давомида 10 410 та янги миқоз жалб қилинди, шундан асосий ҳисоб-рақам очган миқозлар – 8 399 та, иккиламчи ҳисоб-рақам очган миқозлар – 2 011 тани ташкил этгани ҳам маълум қилинди.

Анжуман якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
"Hurriyat" мухбири.
Реклама ҳуқуқи асосида

ХОРИЖ

БАЙДЕННИНГ ЎҒЛИГА ҚАРШИ СУД

Американинг Делавер штатида АҚШ президенти Жо Байденнинг ўғли Хантер Байденга қарши биринчи суд жараёни бошланди. Бу ҳақда "Deutsche Welle" хабар берди. 54 ёшли Хантер Байден Уилмингтон судида қуролни ноқонуний сақлашда урта айблов бўйича сўроқ қилинган. У суд мажлисида рафиқаси ва ўғай онаси, АҚШнинг биринчи хоними Жилл Байден ҳамроҳлигида қатнашган. Суд жараёни бир ҳафтадан икки ҳафтагача давом этиши кутилмоқда.

Жо Байден эса ўз баёнотида суд жараёнлари ҳақида изоҳ беришни истамастлигини, лекин ўғлини яхши кўриши, ишонини ва унинг кучлилиги учун ҳурмат қилишини айтган.

Собик адвокат, лоббист ва бизнесмен Хантер Байден 2018 йилда "Colt Cobra-38" револьверини сотиб олиш учун бланкаларни тўлдирётганда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмаслик ҳақида ёлгон гапирганликда айбланган. Уша йилнинг октябр ойида у гиёҳвандлик ҳолатида 11 кун давомида қурол сақлаган. Бу ҳолатда Хантер Байден 25 йилгача қамоқ жазоси, шунингдек, 750 минг доллар жаримага тортилиши мумкин.

Бу Қўшма Штатлар тарихида амалдаги президентнинг фарзандига қарши биринчи шундай суд жараёнидир.



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД АЁЛЛАР

Эрондаги президентлик сайловларида иштирок этиш учун тўрт нафар аёл ҳужжат топширди. Бу ҳақда "IRNA" агентлиги хабар берди. Номзодлар қаторида Зухра Илоҳиён, Ҳожар Ченараний, Ҳамид Зарабадий ва Рафат Байат бор. Уларнинг барчаси Эрон парламентининг собиқ депутатларидир.

56 ёшли Илоҳиён асли шифокор ва ҳозирда Эрон Тиббиёт фанлари академиясида ишлайди. 45 ёшли Зарабадий номзодлигини рўйхатдан ўтказгандан сўнг ташқи сиёсатда "де-эскалация"ни қўллаб-қувватлашини айтган ва эронликлар бир кун келиб аёл президентни сайлашга умид билдирган.

Ченараний ҳам 45 ёшда, аввалроқ парламент аъзоси бўлган, парламентнинг миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат бўйича комиссиясида ишлаган. Унинг отаси Эрон — Ироқ урушида қатнашган (1980-1988). У парламентдаги фаолияти давомида Эронда аёллар учун мажбурий ҳижоб бўйича қатъий қоидаларни илгари сурган. Байат 66 ёшда, асли социолог. 2005 ва 2009 йилларда президентликка номзод сифатида рўйхатга олинган, бироқ унинг номзоди "Конституцияни қўриқлаш кенгаши" томонидан тасдиқланмаган. Шу кунгача эронлик бирорта аёл номзодларнинг якуний рўйхатига киритилмаган.



НЕТАНЬАХУ УРУШНИ ТЎХТАТИШГА ТАЙЁР...

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху мамлакат армияси ХАМАС билан урушни 42 кунга тўхтатиши мумкинлигини айтди. Бу ҳақда "The Times of Israel" хабар берди.

Унинг сўзларига кўра, Исроил Ғазо секторидagi жанговар ҳаракатларни олти ҳафтага тўхтатишга тайёр, бироқ ўт очишни тўлиқ тўхтатишга рози бўлмайди. "Гаровга олинганларни қайтариш учун урушни 42 кунга тўхтатиб қўйишимиз мумкин. Аммо урушни тўлиқ тўхта та олмаймиз. Эрон ва барча душманлар таслим бўлашимиз ёки йўқ, кузатмоқда", — деди у.

Шунингдек, Бош вазири АҚШ президенти Жо Байден томонидан илгари сурилган режада "бўшлиқлар" борлиги тўхталган.

Жо Байден тақдим этган режа уч босқични ўз ичига олади. Жумладан, Ғазода олти ҳафтага ўт очишни тўхтатиш, барча гаровга олинганларни озод қилиш, Исроил қўшинларини Ғазо секторидан тўлиқ олиб чиқиб кетиш, фа-ластинликларнинг Ғазога қайтиши, вайронларни тиклаш.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАРБИЙ ПАКТДАН ЧИҚАДИ

Жанубий Корея ҳукумати мамлакат ҳудудига чиқинди шарлари учурилиши ортдан Шимолий Корея билан имзоланган ҳарбий пактнинг тўхтатиши. Бу ҳақда Сеулдаги президент идораси тарқатган хабарга асосланиб, "Reuters" нашри хабар берган.

Муҳокамага сабаб бўлган ҳужжат "Корея яриролидаги ҳарбий кескинликни камайтириш тўғрисида"ги пакт экани айтилган. Ушбу ҳужжат 2018 йилда икки корейс мамлақати раҳбарлари учрашувида эришилган.

Пактга кўра, икки томон ҳам демаркация чизиги ва унга яқин 10 километр масофада ҳарбий машқлар олиб бормаслик мажбуриятини олган. Денгиз ҳудудига ҳам ҳарбий кемаларни назорат чизигига киритмасликка келишилган.

Сўнги ҳафтада шимол томонидан Сеул назоратидаги ҳудудларга юзлаб чиқинди шарлари учурилиши муносабатларни совуқлаштирди. Оқибатда Жанубий Корея расмийлари ҳар қандай ҳарбий келишувни қайта кўриб чиқиш ҳақида муҳокама бошлаган.



САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ҚАРОРИ

Саудия Арабистони Швейцариядаги Украина бўйича тинчлик саммитида иштирок этмайди. Бу ҳақда қиролликдаги дипломатик манбаларга таяниб, "DPA" нашри хабар берди.

"Ҳукуматнинг ушбу қарорига жорий йил 15—16 июнь кунлари бўлиб ўтадиган саммитда Россиянинг иштирок этмаслиги сабаб бўлди", — дея аниқлик кiritган нашр.

Бирок, Ар-Риёд ҳозирча маж-кур қарорини расман эълон қилгани йўқ.

Олдинроқ Хитой ҳам анжуманда қатнашишдан бош тортган. Хитой ТИВ кун тартиби Пекин талаблари ва жаҳон ҳамжамиятининг умумий умидларидан ажралиб туришини айтиб, Хитойнинг саммитда иштирок этиши даргумон эканини таъкидлаган. АҚШ президенти Жо Байденнинг иштироки ҳам сўроқ остида.



Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

“ДАРАХТ, МЕНГА ЯШАШНИ ЎРГАТ...”

Эссе

*Дарахт, менга яшашни ўргат,
Дарахт, ўргат менга саботни.
Ўз домига тортганда ғурбат,
Дариғ тутма мендан нажотни.*

*То бу далли девона юрак
Баҳор кутиб кўкарсин, кулсин.
Қуриса ҳам қурисин сендак,
Ҳароратли бир ўтин бўлсин...*

Абдумурод ҚОДИРОВ

Абдумурод акани, Абдумурод Қодировни 2011 йил баҳор ойларида илк марта кўрган эдим. Ўшанда туманимиздаги бир неча ёзувчи ва шоир устозлар уйимизга меҳмонга келган, улар сафида Абдумурод ака ҳам бор эди. Эсимда, ҳаммадан кейин келгандилар у киши. Умуман, бу инсон доим мана шундай кечкиб юрар, билмайман, лекин негадир ёруғ оламни анчайин шошиб ва илкис тарк этди...

Биринчи кўрган кунимдаёқ Абдумурод аканинг ўқитувчи эканини фахрлаганман. Сабаби, мен билган инсонларнинг ичида фақат ўқитувчиларгина мана шундай фақир, шундай истарали эди. Ижодкорлар тўғрисида гурунг бошланиб, у киши Ўткир Ҳошимов билан боғлиқ бир хотирасини гапирганида эса, ростки, юзига ишонқирамай қардим: “Ҳошимовнинг уйда меҳмонда эдик, дейдими? Ёлгон ҳам эви билан-да!” Кейин билсам, акани ўзимга ўхшатиб юборибман. Тўқилай деган кўйлаки дасмолаб кийган, яп-янги дўпписи эскигина уст-бошига ярашмай турган бу фақир инсон, аслида, обрўсини ошириб кўрсатиш каби хаваслардан тамом холи экан.

Одатдагидай, даврадаги шоирлар ўртасида шеър айтиш бошланиб кетди. Устоз шоирларнинг бири олиб, бири қўйиб шеър айта бошлади.

— Абдумурод ака, сиз ҳам шеърларингиздан бирортасини ўқиб беринг, — деб қолди бир маҳал устоз Темиргўлат Тиллаев.

— Кўйсангиз-чи, бизнинг шеърларнинг ўқигилиги йўқ, — кулиб рад этди Абдумурод ака. Қолганлар худди бу гапни тасдиқлагандай гулла кулишди-ю, талашиб-тортишиб мушоирада давом эттишти. Орада устоз Тиллаев тагин у кишини қистади.

— Шеърларингиз ҳеч эсимда турмайди, — дея ака бу гал ҳам кутулмоқчи бўлди.

— Эсда борини айтганимиз, ҳеч бўлмаса, “Турналар”ни, — туриб олди Тиллаев. — Ҳалиги-чи, қўшиқ бўлгани.

— У энди... эски шеър! Бир замонлар ёзилган...

— Шеър эскирмайди, эскирса, у шеър бўлмайди. Сиз айтиверингиз, Абдумурод ака!

Шунда Абдумурод ака эса мисоли бошқалар билан, кулимсирабгина шеър ўқишга тушди. У кишининг овозидаги маъноси ва чуқур кудуқнинг ичидан чиқаётганга ўхшаш вақтинчалик чеҳрасидаги табассумга унча мос тушмас, шу гапнинг овози, офтоб қорайтирган юзи, хокисор туриши билан ўзи ҳам эски бир даврлардан келиб қолган одамга ўхшарди.

**Афғон тарафларга учиб кетибсиз,
Қанча даҳшат, балолардан ўтибсиз,
Бойқаро боғига бориб кўнибсиз,
Сафингиз тўлиқми,
қайтган турналар?**

Зум ўтмай бутун хонани Абдумурод аканинг овозига хос сокин кайфият қамраб олди. Халигина бир-бирига ҳазиллашиб, шеърлашганда бир-бирига жўровозлик қилаётган шоирларнинг бари унинг юзига термилиб, аллақандай хаёлларга ғарқ бўлган эди. Абдумурод ака эса мисоли бошқаларга эмас, ўзига, ўз-ўзига шеър айтиб бе-

раётгандек бир нуқтага тикилганча шеър ўқишда давом этар, энди унинг зоҳири ва ботинидаги зиддият ҳам янада қабариб кўринаётгандек эди:

**Аҳмад Зоирларнинг охи сиз билан,
Хабар айро тушди гоҳи сиз билан,
Ғафур Фулом қизи — Моҳи сиз билан,
Сафингиз тўлиқми,
қайтган турналар?**

Мен нодон ҳам кўпчилик қатори унинг ним табассум акс этиб турган юзига термилиб ўтирар эканман, яна дунёни ўз қалта қаричим билан ўлчаган, яна ҳаммани ўзимга ўхшатган, “шундай яхши истеъдод қишлоқда яшагани учун юзага чиқолмай қолиб кетибди-да”, дея унга раҳим келгани ўшанда. “Юзага чиқишга, балки, ўзи ҳаракат қилмагандир, балки, ўзи ўч бўлмагандир шонга, эътирофга, балки, ўз дунёсида ура-ураларсиз, бировга малол келмай, ҳеч кимга ўзининг борлигини сездирмай мана шундай тинчгина яшашни лозим толгандир”, деган хаёл эса менинг тор тасаввуримдан анчайин йироқ, бунақанги инсонлар фақат китобларда бўлади, деб ўйлар эдим ўзимча.

**Сизсиз бачорлар ҳам баҳор бўлмади,
Тунлар етим қолди, ойлар тўлмади,
Адирларни кучиб Наврўз кулмади,
Сафингиз тўлиқми,
қайтган турналар?..**

...Меҳмонлар уйларига тарқалишди. Кўз олдимдан Абдумурод аканинг синиқ табассуми, қулоқларимдан вақтинча ва гапнинг овоз оҳанги кетмай қолди. Нимагадир фақат у киши ҳақида ўйлардим. Лекин адабиёт худди отамдан қолгандай, шунда ҳам у кишини катта адабиётга дахлдор санагим келмас, бундай ўртамеъна шоирлар жуда кўп, чиройли қилиб ўқий олгани учунам шеър менда илқ таассурот уйотган бўлса керак, деб ўз-ўзимга ўқирмоқчи бўлардим. Шундай бўлган ҳаммиса: фақир инсонлардаги фазилатни тан олишдан кўра, уларнинг камчилигини кўришимиз осонроқ...

Кейин-кейин у киши билан телефонлашиб турадиган бўлиб қолдик. Тўғриси айтсам, ўшанда ҳам асосан, Абдумурод аканинг ўзи телефон қилардилар-у, бироқ гапиргучи мен, ака кўпроқ тинглашни маъқул топар эди. Гапимни тугатганимдан кейингина бир-икки оғиз гап қўшиб қўяр, шунда ҳам гапиргани савол бўларди. Саволлари ҳам ўзига ўхшаган жўн эди. Жўн ва чуқур... Масалан, ўзимизнинг адиблардан кимнидир мақташга тушсам:

— Ўрисларнинг Толстойи бизда борми? — дея сўрарди. Мен жавоб беришга эмас, ўз фикримни ҳимоялашга киришиб кетсам: — Французларнинг Балзаги-чи, бизда борми? — қўшиб қўярди ўтлаб кетганимга беэзоргина ишора қилиб.

Абдумурод аканинг ўша саволларини эслаб, ростки, мен у кишининг, аслида, нима демоқчи бўлганини энди-энди тушунгандай бўламан ва ўйлашни қолмаман. У кишида билим ҳам, истеъдод ҳам ўзига етарли даражада бўлгани тайин, лекин нимага менинг нақлипаст сўзларимни эшитишга бунчалар иштиёқ туйди экан? Нимага ҳатто мен маъ-

носиға ета олмаётган саволларни бериб, пойинтар-сойинтар жавобимни жимгина эшитиб ўтиришни маъқул кўрди экан? Ўшанда дилидан нима хаёллар ўтган? Ким билсин... Ким билсин, балки, айнан ўзида йўқ хислатларни: журъат ва ўзбилармонликни менда кўргани учун узокроқ гапиршимни, хато бўлса ҳам узокроқ валдирашимни истадимикан...

Абдумурод аканинг уйимизга қандай кириб келишлари ҳам охири пайтда тез-тез кўз олдимдан ўтаётди. Мен ҳар қанча қувониб кутиб олмай, у киши дарвоза қоғиб келганидан хижолат тортаётганга ўхшар, худди келишига бирор баҳона шартдек, қўлтиғига талабалик даврида йиққан китобларидан икки-учтасини қистириб оларди. Ана, у киши олиб келган “Фауст”, “Уруш ва тинчлик”, “Телба”, “Абадият қонуни” каби ўнлаб дурдона китоблар ҳалиям кутубхонамда тизилиб турибди. Булардан айримларининг янги чиққан нусхалари ўзимда олдиндан бўлса-да, буни Абдумурод акадан яширганман. “Айнан шу китобни излаб юргандим, раҳмат”, деганман кўнглига қараб. Бошқа қувроқ одам бўлса, эҳтимол, буни сезарди, бироқ Абдумурод ака менга жудаям керак бўлаётган китобни олиб келиб берганига ишонар, мендан ҳам кўпроқ хурсанд бўларди.

Бир гал шифохонада даволанаётганимда у киши кўнгирак қилиб, мен ётган шифохона манзили билан қизикди. Билсам, ҳол сўрашга келмоқчи экан. Хонадошларим — 30-40 ёшлардаги икки эркак у киши билан бўлаётган суҳбатимизни қулоқларини динг қилиб эшитиб туришди.

— Ким?! — дея сўрашди телефонни ўчиришим билан.

— Устозларимдан бири, — жавоб бердим мен.

— Қерда ишлайди?

Муаллим дегим келмади.

— Шоир, — дедим кимлар изимдан сўраб келишини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, — Ўткир Ҳошимовларни танийсизлар-ку! Ўз даврида ўша инсонлар билан даврадош бўлган. Билим жуда кучли, миллий энциклопедиянинг муҳаррирларидан бири... Ҳозир шу... Қишлоқда...

— Ўй! Унда бир қўйни айириб, тенг ярмини пишириб келаётгандир?! — қорнини қашлаб, гапимни бўлди хонадошлардан биттаси.

Қовун туширганимни англаб, ўзимча уларни келаётган меҳмондан кўп нарса куттиш керак эмаслигига тайёрлаган бўлдим.

— Йў-ў... Қўй бўлмасаям, курками, товукми... дегандай...

— Унда бугун аетга овқат буюртирмасак бўларкан-да?!

Иштаҳаси карнайлардан бўлмаганим учунми ё бошқа бир сабабга кўра, ростки, ғашим келди.

— Ўзларингиз биласизлар... — дея хонадан чиқиб кетдим. Орадан чамаси уч-тўрт соатлар вақт ўтган экан. Қўшни палатадаги отахонлар билан гурунглашиб ўтирган эдим, эшик тақиллаб, хонадошларим мени чақирди.

— Устозинг келди, — дейишди улар мен залга чиқганимда қовоқларини солиб. — Нимага “шоир” деб

алдадинг, домилла экан-ку!

Тушундимки, булар “шоирмисиз”, деб сўрашса, Абдумурод ака одатдаги камтарлик билан “йўқ, ўқитувчиман” деб айтган.

— Ўзлари қаерда?

— Хонада. Қўлтиғида курка рангидаги китоб!

Хонадошларнинг ижирғаниб гапирганини кўриб, шу топда нетонгки, мениям ҳаёлимда тўё китоб ёмон нарсаядай туйилиб кетди. Бордим. Абдумурод ака хонада ўша ўша эски кийим-бошига яп-янги қалпоғи ярашмай, синиқгина кулимсираб, мени кутиб ўтирган экан. Олдингидай илқ сўрашолмадим. Хонадошларим олдида изза бўлганимдан аразлаган киши бўлиб, суюқгина ҳол-аҳвол сўрадим. Иззатпарастликдан йироқ бўлганлари учун, эҳтимол, Абдумурод ака буни сезмаган чиқар. Бироқ ўшанда нимага бунчалар тубан кетдим, ўзим сира тушунолмайман. Ахир салкам отам тенги одам катта бошини кичик қилиб мени — битта тирранчани шунча ердан сўраб келгани, қувониб дўппимни осмонга отмайманми? Анави иккови ўзини қориндан бошқа гами йўқ чўчка деб ҳисобласа, мен ўзимни инсон дер эдим, о-озгина, зигирдайгина бўлсам кўнглим бор, деб юрар эдим-ку?! Қаёқда қолди менинг давраларда алжиган “инсониятнинг бошқа маъжудотлардан ажратиб турадиган олий миссияси” каби баландпарвоз гапларим?! Энг алам қиладигани... қани энди бугун шу инсоннинг ўзи, дайидори?..

Бошқа бир сафар эса Абдумурод аканинг қачонлардир ёзган шеърларини туман газетасида ўқиб қолдим. Устоз Хуршид Даврон билан кўнгираклашганимизда, у киши қишлоқда ижод қилаётган ижодкорларнинг яхши асарларидан виртуал кутубхонаси учун жўнатишимни сўрагани туфайли, ўша шеърларни кўчириб, расмисиз ҳолатда устознинг электрон почтасига жўнатдим. Кечаси жўнатган бўлсам, шеърлар эртасига тонгадўқ сайтда эълон қилинбди. Яна денг, устоз Хуршид Даврон ажойиб шоирнинг ижоди билан таништирганим учун менга миннатдорлик жавоб хати қолдирган эдилар. Ўшанда шеърлари устоз Хуршид Давроннинг кутубхона сайтида эълон қилинганини эшитган Абдумурод ака бундан гудак мисоли қувонган, қайта-қайта раҳматлар айтган ва бот-бот шеърлари, аслида, бунга арзимаслигини таъкидлаган эди. Кейинчалик ҳам у киши бу ишимдан миннатдор бўлиб, ҳар ерда гапириб юргач, менга туманимиздаги шоир-ёзувчи танишларнинг кўпчилиги битган-битмаган ижод намуналарини келтириб берадиган одат чиқарди. Менинг эса бу қораламаларни устозга жўнатишга юзим чидамай, қаердан ҳам Абдумурод акага шу ёрдамни қилдим, дуч келганга мақтанавериб бошимни балога қолдирди, деб жаҳлим чиқарди. Шу арзимас ишимни шунчалик арзиганини, шоирликка катта даъвоси бўлмаган бу инсон шеърлари эълон қилинганини эмас, аслида, кичикгина одамгарчиликка гувоҳ бўлганини ҳаммага мақтаниб юрганини англашга эса, фаросатим жиндек камлик қилгани...

Мана, Абдумурод аканинг вафот этганига ҳам бугун уч йилдан ошибди. Эҳти-



мол, у кишининг менга, сизга, ҳаммамизга айтадиган гаплари кўп эди, аммо нимагадир айтмади, барчасини ўзи билан бирга тупроққа олиб кетди. Аканинг 2001 йилда бор-йўғи 500 нусхадагина чиқарилган, атиги бир ҳовуч шеърларни сиғдиролган “Фамгин дарахт қўшиғи” номли юпқагина китоби қолди, холос. Бирор “катта”га, ҳеч йўқ, таниқлироқ шоир-ёзувчиларга ялтоқланиб борса, кўплаб китоблари чиқиши мумкин эди-ю, у бундай қилмади. Ҳатто Ёзувчилар уюшмасининг эшигидан ҳам бир бор бўйламай умри ўтди, раҳматлининг. Ачинарлиси, ижодкор танишлари туман газетасида шеърларини эълон қилиш учун биттагина сифатли расмини излашган экан, уйидоғилари топиб беришолмабди... Афсуски, Абдумурод аканинг атрофида йиғилган, ижодини, ўзини арзиган бефарқ инсонларни сўқишга юзим чидамайди. Чунки шу бефаҳм одамлар орасида ўзим ҳам борман!

“Фамгин дарахт қўшиғи”даги санокли шеърларни олдингидан ортироқ эътибор билан қайта-қайта ўқир эканман, мен ҳеч қандай оғриниш, ҳеч қандай малолни билмайдиган, бир умр ҳеч кимдан ҳеч нарса тиламаган Абдумурод аканинг ўз ҳассос қалбини шунча йил қаерга беркитганини англагандай бўламан ҳамда энг яқин кишинидан айрилиб, алланечук ёлғизланиб қолгандай аламзада ҳис этаман ўзимни.

Нега Абдумурод акани катта адабиётга дахлдор эмас, деб ўзимча ҳукм чиқардим, бунга қанчалар ҳаққим, қандай асосим бор эди? Ҳўп, шундай ҳам бўлсин, майли, бироқ у кишини нимага шу пайтга қадар оддий инсон сифатида яхши кўра олмадим, ўз-ўзимни сира тушунолмаяпман. Тушунолмаяпман ҳам, кечиролмаяпман ҳам... Ким билсин, балки инсон айнан ўзи чин дилдан севган, лекин севишини англолмаган одамларга мана шундай баланд талаблар қўяр...

Гоҳида кечалари уйқум ўчиб, Абдумурод Қодировнинг ўзлари ёзган ушбу мисраларни пичирлаб айтгим келади:

**Дўстим, кел, тортинма,
Кирайлик уйга!
Дилга эзгу ҳислар
Тақиб қўяман.
Хона соевук, агар
Чидасанг бироз,
Юрагимни ёқиб қўяман!..**

МУТОЛАА

“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир”, деган эди буюк адиб Абдулла Қодирий. Дарҳақиқат, аждодларимиз тарихини, уларнинг фаолиятини ўрганиш, тарих воқеаларидан сабоқ олиш бизнинг бугунги кунимиз равақли, ёшлар тарбияси, келажак режаларини белгилаб олишда жуда муҳимдир. Аждодларимизнинг кўп минг йиллик тарихини билиш эса тадқиқотчи ижодкордан ўта синчковлик, сабр-бардош, таъбир жоиз бўлса, йиллаб уйқусиз тунларни талаб этади. Нина билан қудуқ қазийш эса ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу йўлда тинимсиз ижод заҳмати чекиш минглаб ижодкорлардан бармоқ билан санарли кишиларгагина насиб этади. Аслан ижод учун яратилган, халқимиз тарихини бадиий қиёфада авлодларга етказиш вазифаси пешонасига битилган ижодкор, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алини халқимиз тарихимиз билимдони, ўнлаб нодир китоблар муаллифи сифатида билади.

Яқинда ижодкор ўзбек адабиётини янги бир асар — “Клеопатра” тарихий романи билан бойитди. Роман ҳозир қўлма-қўл ўқилмоқда, жойларда унга бағишланган учрашувлар бўлмоқда. Бу — қувонарли ҳодиса.

Асарлар давомида номи тилдан-тилга ўтиб, афсонага айланган Миср маликаси Клеопатра тўғрисида Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам кўплаб бадиий асарлар, саҳна асарлари, кинофильмлар яратилган. Ўзбек адабиётида тарихий мавзуда, яқин асарларга оид айрим ишлар мавжуд бўлгани ҳолда мазкур мавзуга қалам урилмаган эди. “Клеопатра” романи бу борада адабиётимизнинг салмоқли ютуғи бўлди. Асарнинг мавзу қўламини кенг, романининг ҳажми ҳам салмоқли. Муаллиф нега айнан бу мавзунини танлади, асар биз учун нимаси билан аҳамиятли, деган иштибоҳлар билан асарни қўлига олган китобхон дастлабки саҳифалардаёқ мозийга йўл олади ва шовқин-суронли қадим Миср мамлакатига тушиб қолади. Бора-бора ўқувчи ажойиб янгилик — Клеопатранинг ватанпарвар миллий қахрамонимиз Спитамен авлоди эканлигидан ҳайратга тушади. Бу китобхоннинг асарга бўлган қизиқишини янада кучайтиради. Ҳа, шундоқ, Миср маликаси Клеопатра — Спитамен, аниқроғи, Спитаменнинг жанговар ўтوراқ қизи Апаманинг ўнинчи авлоди бўлади! Тарихнинг олис йўллари бизни ана шундай муъжизага олиб келади.

Асар бошланишидаёқ китобхон кўз ўнгиде қадимги Искандария, турли савдогарлару хунармандларга тўла шаҳар, Птолемейлар саройи ва маъбуда Исиди ибодатхонаси, турли тилларда сўзлашувчи қўрама одамлар шовқин-сурони, мусиқа садолари эшитилади,

денгизнинг нам ҳавосини сезгандай бўласиз. Асар персонажлари тавсифи, муносабатлари асосида мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий вазият, ҳукумат бошқаруви оидинлаша боради. Ўқувчи романи ўқиш жараёнида давр руҳига мослашиб олгач, секинлик билан асар қахрамони бўлган Клеопатра билан танишади ва асар охиригача у билан бирга: қувонас қувонади, ташвиш чекса, бирга қийналади. Шуниси характерики, китобхон асар воқеалари ривожига иштирок этар экан, ўзи излаган нарсани — Клеопатрада Спитаменга хос хусусият-

воқеликка асосланган ҳолда бадиийлик бўёғи ила китобхон ҳукмига ҳавола этилади.

Клеопатра Миср маликаси сифатида жаҳон тарихи зарварақларидан ўрин олган. Томирида буюк аждодимиз Спитамен қони оққан бу ҳукмдор аёл ўз Ватанининг озодлиги учун курашади, унинг Рим босқинчилари оёқлари остида топталишини истамайди, ватанпарварликнинг тимсолига айланади. Унинг зиддиятли шахс эканлиги асарда турли кишилар билан бўлган муносабатларида яққол намоён бўлади. Клеопатра ўша давр фарзанди сифа-

ғуридан ҳам воз кечишга мажбур бўлади. Бу кураш йўлида умри поёни ҳам фожияли тугалланади.

Унинг ҳаёт йўли буюк император Юлий Цезарь ва Марк Антонийлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Бу икки шахс ҳам умр бўйи Рим империяси ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган босқинчилик сиёсатини олиб борадилар ва ички зиддиятлар қурбонига айланадилар.

Асарда Клеопатра турли қиёфаларда юз кўрсатади. Уни отанинг сеvimли қизи, вафодор

орзуларини йўққа чиқаради. У ўғлини Мисрга ҳоким қилиб тайинлайди. Марк Антоний билан танишиш унинг ҳаётида янги саҳифани очади. Бу орада Цезарнинг қотиллари жазоланади. Антоний Клеопатрага уйланади. Аммо бу Антоний учун муваффақиятсиз бўлади ва у билан қайин оғаси Октавиан ўртасидаги зиддиятлар кучайишига олиб келади.

Искандарияга Октавианнинг қўшинлари кириб келиши Антонийнинг ўз жонига қасд қилишига сабабчи бўлади. Суюқлиси Антоний ҳалок бўлгандан кейин, душман қўлида азобланишдан қўра ўлимни афзал кўрган Клеопатра ҳам мардона ўз жонига қасд қилади.

Шу тариқа Клеопатранинг жангу жадал, сарой фитналари орасида ўтган умри аянчли яқун топади.

Асар тарихий фактлар асосида ёзилган бўлиб, қизиқарли ўринларга бой. Муаллифнинг бу асарни ёзиш учун кўплаб илмий манбалардан, турли тилларда нашр қилинган адабиётлардан фойдаланганлиги, воқеалар тавсифига тарихий ва бадиий ҳақиқатни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ёндашганлиги сезилиб туради. Адиб моҳирлик билан замонларни, тақдирларни, асрларни бир-бирига боғлай олади ва ўқувчининг эсида қоларли ҳаётий манзаралар яратишга эришади.

Клеопатранинг руҳий олами, ҳис-туйғуларини акс этган лавҳалар бадиий-эстетик таъсирчанлиги билан ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади.

Асарда ҳар бир образнинг қиёфаси аниқ тасвирланганидан, уларни яққол кўриб тура-сиз. Апама, Персефона, Ирада, Хармиона, Мелисса, Фульвия, Цезарь, Антоний, Деллий, Аполлодор сингари ва бошқа тарихий шахслар, образлар шулар жумласидандир. Адиб бадиий образни чизишда маҳорат кўрсатади. Биргина мисол: Клеопатранинг жорияси Мелисса — чиройли, одобли қиз, лекин тили аччиқрок... Ёзувчи, бу қиз бежиз унақа эмас, чунки унинг исми Мелисса — лотин тилида “асалари” дегани, деб қизнинг тили аччиқлигига ишора қилади. Бу ўқувчининг ёдида сақланиб қолади.

Муаллиф Клеопатра образини ёритиб бериш билан адабиётимизга янги қўлғу мавзу олиб кирди. “Клеопатра” тарихий романи Ватан озодлиги учун курашган аждодларимизни бизларга яқин қилиб қўйди, уларнинг эзгу дард-ниятларига шерик этади. Клеопатра ўз Ватани мустақиллиги учун курашган, ҳуррият тимсолига айланган сиймо эди. Бу асар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини узоқ вақтлар давом эттириши шубҳасиз. Зеро, чинакам ижодкорнинг ҳаққоний бадиий ижоднинг олдига қўйилмаган талаб ҳам, аслида, мана шу!

Зухра БЕГИМ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Клеопатра” романи ҳақида

ларни, яъни қўрқмаслик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик, севги садоқат, бошқарувчанликни кўради ва ўз қахрамонининг йиллар давомида жангу жадаллар, турли воқеалар силсиласида тобланиб, мамлакатни бошқарувчи ҳукмдор малика сифатида шаклланишига гувоҳ бўлади.

Адибимизнинг маҳорати шундаки, асарда Рим ва Миср, Эрон ва Турон каби мамлакатларда содир бўлган воқеа-ҳодисалар шунчаки баён қилинмайди, балки Спитаменнинг суюкли қизи Апаманинг авлоди бўлган Клеопатра ҳаётининг ўта рангин ва рангсиз кунлари тарихий

тида ахлоқсиз жамият томонидан белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга буйсунишга, саройнинг фахш, фитна, фиску фасодга йўрилган таомилларига амал қилишга мажбур бўлади. Аммо даврнинг бир ҳовуч ҳукмдорларига хизмат қилувчи қонунлар занжирини узишга унинг қурби етмайди. Клеопатранинг Ватани ҳисобланмиш Мисрнинг мустамлака мақомига эгаллиги, римликлар томонидан халқнинг азобланиши, ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши, зулмининг ҳаддан ошиши туфайли асар қахрамони юртни асраш, мустақилликка эришиши учун курашга бел боғлайди. Бунинг учун у эз эркидан,

аёл, меҳрибон она, сарой тутқуни, Ватан ҳимоячиси сифатида кўрамиз.

Клеопатранинг ҳаёт йўли ўша давр олий табақа аёллариники каби оилавий зиддиятлар қуршовида кечади. Аньанага кўра, ота вафотидан сўнг унинг укаси Птолемейга турмушга чиқиб, ўзаро келишмовчилик туфайли Сурияга кетишга мажбур бўлади. Рим саркардаси Гай Юлий Цезарь аралашуви билан тахтни қайтариб олади ва Цезардан ўғилли бўлади. Шу вақтларда у юрт тинчлигини ва Миср мустақиллигини сақлаш мақсадида тин билмайди. Сенат мажлисида Цезарнинг ўлдирилиши унинг

ШЕЪРИЯТ

Чўллар кийганда атлас

Мунира РАМАЗОНОВА



Муаллиф ҳақида: Мунира РАМАЗОНОВА — 1985 йили Когон шаҳрида туғилган. 2003 йили Бухоро шаҳри Алишер Навоий номидаги 4-мактабни тугатгандан кейин К.Бехзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институтининг санъатшунослик факультети бакалавр ва магистратура босқичида тахсил олган. “Дорилмомон кунлар шукҳи”, “Менинг жоним Маржоним” номли бадиий-публицистик ва шеърый китоблари нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҚИШЛОҒИМ

Бепоён кучоғи гўзал қишлоғим,
Қозоқ даштларига туташ саҳроси.
Суюнчим, таянчим, ардоқли боғим,
Дунёда бормикан сендан аълоси?

Ёшлигим кўксингда олиб, бехатар,
Дарё-ю азимга чорлаган нурсан.
Уммонга айлангин, дейсан ҳар сафар,
Сершовқин Тошкентдан қошинга келсам.

Ҳар тонг Бухорога бергайсан салом,
Ҳазрат Нақшбандга туташ йўлларинг.
Сени қўлаб турар Мир Қуллоб бобом,
Сени ёрлақайди Етти Пирларим.

Она кўксидеги гўдак каби шод,
Яйрайман, бағринга бош қўйган чоғим.
Яшнайвер, яйрайвер, бўлавер обод,
Меҳр сарчашмаси — она қишлоғим.

ЕТТИ ПИРИМ ҚЎЛЛАСА

Мақсад сари шошгайман,
Дарё каби шошгайман.
Чўқилардан ошгайман,
Етти пирим қўлласа.

Фиротим учмоққа шай,
Йўлга гуллар тўшалгай,
Орзуларим ушалгай,
Етти пирим қўлласа.

Яқин кеполмас ганим,
Бут бўлгай дастурхоним,
Нурга тўлар ҳар оним,
Етти пирим қўлласа.

Чўллар кийганда атлас,
Юлдузлар қилгай ҳавас,
Осмонлар ҳам бўлгай паст —
Етти пирим қўлласа.

Илмда ҳам, ишда ҳам,
Баҳорда ҳам, қишда ҳам,
Яратгаймиз тушда ҳам —
Етти пирим қўлласа.

Доғ туширмай шаънимга,
Нур бериб ҳар онимга.
Бел бўлгум Ватанимга,
Етти пирим қўлласа.

Миноралар чертар тор,
Тудақул айтар алёр,
Ўлкамдан яшнар баҳор —
Етти пирим қўлласа.

Боғлардан кетмас кўклам,
Кўчалар обод, кўркам,
Музаффар яна ўлкам,
Етти пирим қўлласа.

Кўрмоқда бутун дунё
Ўзбекистон асрини.
Кўрмоқдамиз учинчи
Ренессанснинг қасрини.

БУХОРО МИНОРАЛАРИ

Кўрган не-не ёмғирларни,
Кўрган не-не қорларни,
Чўғ пуркаган ҳаволарда,
Қатра сувга зорларни.

Елкалари чўқилардек
Тегиб турар осмонга.
О, уларнинг матонати
Тенгдир буюк дostonга.

Ватансевар кўриқчидек
Кеча-кундуз бедордир.
Улар улғу боболарим
Даҳосидан ёдгордир.

Қанча боқмай, тикилмайин,
Сира тўймас кўзларим.
Қаддин қериб турар гўё
Боболарим ўзлари.

Паноҳ бўлмиш қанча-қанча,
Амирларга, хонларга.
Бу заминни безаб кетган
Не-не улғу жонларга.

Бухоронинг кўрки улар,
Ер юзига сайқалдир.
Улар азиз боболарим
Шавкатига ҳайқалдир.

Бир-бирдан салобатли,
Бир-бирдан мухташам.
Еру кўкда бундай мумтоз
Обидалар камдан-кам.

Шул боисдан ҳали-ҳануз
Мафтун этар жаҳонни.
Жаҳон аҳли тугатолмас,
Ўқиб бундай дostonни.

Гувоҳ бўлган улар қанча
Қирғинларга, ғовларга,
Кўкрагини қалқон қилган
Қонхўр, ёвуз ёвларга.

Улар қанча ёвузларнинг
Режаларин пуч қилган.
Муқаннаю сарбадорлар
Билагига куч берган.

Ибн Сино, Рудакийлар
Минораларга боққанлар.
Бухорийлар дунёга илм
Машъалини ёққанлар.

Эҳе, қанча босқинчилар
Билмади ўз ҳаддини.
Ҳатто қаттол Фрунзе ҳам
Буқолмади қаддини.

Бухорога бормай қачон
Шошилан саломга,
Шошилан, кўҳна Арк-у
Минорая Калонга.

Қадим кентнинг фаҳри улар,
Юртим ифтихорлари.

Бухоронинг минораси —
Бухоро байроқлари!

ИФТИХОР

Ал-Бухорий аждодим,
Муқаддасдир тупроғим.
Фитрат — мангу фарёдим,
Дилда “Чўли Ироғим”.

Халқ ижоди — термалар,
Лапарлардан завақ олдим.
Сўзга чечан халқимнинг
Ижодидан лол қолдим.

Алпомиш, Гўрўлини
Ёд айтган боболарим.
Кулоғимда жаранлар,
Дўмбира, наволарим.

“Девону луғотит турк”
Кошғарийдан меросдир.
Ҳар битта сўз, ибора
Туркий тилимга хоосдир.

Аждодлардан қолгандир
Билга Ҳоқон дostonи.
Шундан мангу сўлмагай
Адабиёт бўстони.

Навоийнинг гулшани
Ижодга бермоқда зеб.
Бобур, Машраб, Муқимий
Нидо чекди элим деб.

Шеърларида дунёнинг
Тамаддуни бўлган жам.
Боболарим ортидан
Дадиб боргаймиз биз ҳам.

Нурга тўлсин келажак,
Илмли бўлсин ҳар ким.
Ўз ўчмас меросингдан,
Омон бўл, она халқим.

ЭЪЗОЗ

ЭРКИН ВОҲИДОВ ДАРАХТИ

Бу мактаб боғида ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти бор. Мухаммад дарахти, Севара дарахти... Улар ўз дарахтини йил бўйи парваришлайдилар. Лекин мактаб ҳовлисида яна бир дарахт борки, у барча ўқувчиларга тегишли. Уни мактаб жамоаси ўзларининг хос дарахтидек эъзозлашади. Бу дарахт Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўтказган ниҳолдир. Кўкка буй чўзган азим дарахтнинг шундоқ ёнига "Эркин Воҳидов эккан шумтол" деган лавҳа ўрнатиб қўйилган.

Биз мактаб директори Мухторжон Султоновдан бу қадри дарахтнинг тарихини сўраб-суриштирамиз.

— Юринг, хонамга кирайлик. Мактабимиз тарихи ҳақида альбом тугганми. Унда барча воқеа-ҳодисалар қисқача ёзиб қўйилган, — деди у.

Ёстиқдай келадиган альбомни ва рақлабимиз. Унинг бешинчими-олтинчи саҳифасида анчагина уникиб қолган сурат кўзга ташланади. Суратда семимли шоиримиз Эркин Воҳидов ниҳол учун қазилган чуқурга тупроқ тортоқда. Суратнинг остига қисқача тағъув битилган: "1981 йил Наврўз байрами арафасида бизнинг Сайхунбод туманидаги 11-умумтаълим мактабига семимли шоиримиз Эркин Воҳидов ташриф буюрди. У киши мактабимиз директори Абдураим Улжабоев билан боғимизга шумтол кўчати ўтказдилар".

Кейин мактаб залида катта мушора бўлиб ўтибди. Ушанда тадбирда қатнашган ўқувчилардан икки нафари айна пайтада мактабда ўқитувчилик қилишаркан.

— Кечагидек эсимда, — деди Шоира Шомуродова. — Уша кезлар Эркин аканин ижоди тўлишган палла экан, шекилли, бирин-кетин ёддан шеърлар



ўқий бошладилар. Айниқса, менга "Гузалик" деган шеъри жуда ёққан эди. Майин овозда ўқилган шеър ҳали-ҳамон қулоғим тагида жарангагандай бўлаверади:

**Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Кўрсизгина олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.
Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўқар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон...**

Ҳозиргача ана шу сатрларни даврларда ўқиб юришни канда қилмайман. — Эркин ака биз, ўқувчиларни кўпроқ китоб мутолаа қилишга чорладилар, — деди Муқаддасхон Раҳмонова. — Сўнг-

ра миллий адабиётимизда муносиб баҳосини олган "Камтарлик ҳақида", "Пўлат", "Йўқ, ҳаловат истамайман", "Улка" каби шеърларини ўқиб, барчамизни мафтун қилгандилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ўтказган шумтол дарахти бу йил 43 ёшга тўлди. Бу бир навқирон йигитнинг умри. Дарахт кўкка буй чўзиб, ёз ойларида майин шаббодада барглари худди улғу шоиримиз каби маҳзун овозда шеър ўқигандай таассурот уйғотади кишида. Утган йили дарахт ёнида мўъжазгина кўркам айвон қад ростлади. Саҳнинг четларига ўриндилар ўрнатилди. Бу айвонга ўқувчилар "Назм бўстони", дея ном қўйиб олишган. Ўқув йили давомида мазкур айвонда мунтазам равишда шеърхонликлар ўтказиб турилади.

— Бу йил баҳорда мактабимиз боғига "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида 144 туп мевали ва манзарали кўчатлар, 1500 туп мирзатерак қаламчалари қададик, — деди Мухтор Султонов. — Аввал эккан мевали дарахтларимизнинг бир қисми шигил хосилга кирди. Ҳамкасбларимиз боғимизга Эркин аканин машҳур мазкур сатрларини ёзиб қўйиш таклифини берди.

**Сендан фарзандингга боғ қолсин,
эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин,
эй дўст...**

Мактабда ҳар ойда шоир ўтказган дарахт ёнидаги айвонда Эркин Воҳидов шеърини буйича адабий кеча ўтказилади. Унда ўқувчилар ҳассос шоиримизнинг шеърларини тўлиб-тошиб ўқийдилар. Бадиий ижодга қизиққан ўғил-қизлар ўз битикларини тенгдошларига пешкаш қилишади. Адабиёт ўқитувчилари эса ҳаваскор қаламкашларнинг шеър ва ҳикояларига баҳо беришади. Ғолиблар қаҳрамон шоиримизнинг китоблари билан сийланади.

Ҳа, ўлкамизда улғуларимиз ўтказган дарахтлар бисёр. Фақат уларни сайхунбодлик устозлар каби эъзозлаб, ёш авлоднинг маънавияти ва маърифатини ўстиришга хизмат қилдирсақ, қадриятларимиз сони яна биттага кўпаяди.

Мухаммадали АХМАД,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

СУРАТЛАРДА: Эркин Воҳидов мактаб боғига кўчат ўтказмоқда; шоир эккан дарахт кўкка буй чўзган.



ТААССУФ

ХИЁБОНМИ, БИЁБОН?

ёхуд Фарғона шаҳри марказидаги дилни хира қилувчи ҳолат

Маълумки, кейинги йилларда йирк шаҳарлар ва вилоят марказларида яшил ҳудудлар барпо қилиш, улар майдонини кенгайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас.

Боиси транспорт ҳаракати тизилгани, аҳоли сонининг кун сайин ортиб бораётгани, шунингдек, фуқароларнинг тоза ҳаводан нафас олишини, хиёбон ва ҳордиқ масканларида маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш бугун долзарб масаллага айланди.

Айни жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татиқ этилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад ҳам бу борадаги эзгу ишлар бардавонлиги ҳамда экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Аммо...

Фарғона шаҳрининг қоқ марказида жойлашган хиёбоннинг абгор манзарасини кўрганда ҳар қандай инсоннинг кайфияти бузилиши аниқ. Буни қарангки, бир ёнида АТ "Халқ банки" вилоят филиали, бир тарафда Фарғона давлат университети стадиони, шундоқ ёнига "Палма", "Пингвин" каби ширинлик ва музқаймоқ савдо нуқталари жойлашган бу хиёбон айна пайтада жуда кўримсиз ҳолга келиб қолган. Қуриган ва қуриётган дарахтлар, ахлат ва чикиндилар уюми, бузилиб, нураб бораётган ҳайкалчалар ва бинолар худди бирор табиий офатдан кейинги ҳолатга ўхшайди.

Бу маскан ижтимоий объектлар, таълим даргоҳлари яқинида бўлгани учун, анчайин серқатнов ҳудуддан ўтган ҳар бир йўловчининг мазкур аянчли манзарага ҳар куни кўзи тушади. Уз навбатиде Фарғона шаҳрига республикамизнинг турли жойларидан ташриф буюраётган меҳмонлар, шунингдек, "водий гавҳари" дея ном олган Фарғонага оқиб келадиган хорижлик сайёҳлар бу ҳолатга қандай баҳо беради?!

Таассуф билан шуни таъкидлаш кераки, масъуллар томонидан бу жойларни обод қилиш, тозалаш, ниҳолларни яшнатил борасида жиддий саъй-ҳаракат нишониси кўринмайди. Ваҳоланки, бир-икки йил аввал бу ердаги дарахт ва гулларнинг ноёб турлари кўзни қувнатди, соя-салқин ҳудуд ёшлар ва шаҳар аҳолисининг семимли маскани эди. Бугун эса...

Шерзод ҚОРАБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭЪЛОН

Қашқадарь вилояти, Китоб шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Муслмонлари идорасига қарашли "Хўжа Бухорий" номли ўрта махсус ислом билим юрти томонидан Абдураҳмонова Нилуфар Юлдашевнага 2012 йилда берилган CN№0002926 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ДОИРА СЕҲРИДАН БАХТ ИЗЛАГАН УСТОЗ



Ҳар бир инсон болалигиданоқ бир орзу-мақсадни кўнглига тугиб улғаяди. Йиллар ўтган сайин бу орзу-мақсад кимларнингдир қатъий қарорига айланса, кимлардир мурғак қалбда тугилган ниятни амалга оширишининг қийинчиликларидан чўчиб фикридан қайтади.

Лекин қарори қатъий, иродаси мустаҳкам инсон ўз режаларини амалга оширишга астойдил интилиб, орзуларига етади, бахтини топади. Мана шундай инсонлар билан ҳаёт гўзал, файзли. Чунки уларнинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўлади. Айниқса, ёшларда улардек изланиб, интилиб, яшашига ҳавас уйғотади.

Бундай инсонлар орамизда жуда кўп. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ҳам 10-бололар мусиқа ва санъат мактабининг "Халқ чолғулари ижрочилиги" бўлими ўқитувчиси Назимжон Раҳматов ҳам ана шундай фазилатли кишилардан биридир. У меҳрибон устоз, камтарин инсон...

Назимжон Раҳматов қалбига мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ доира санъатига катта иштиёқ уйғонди. У мактаб мусиқа ўқитувчилари, шаҳар маданият бўлими доирачиларидан доира сирлари буйича дастлабки сабоқларни олди.

— Доира санъатига қизиқишимга Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев сабабчи бўлган, — деди Назимжон ака. — Мен устознинг доира чалиши маҳоратига катта ҳавас билан қараб, мана шу санъаткордек доирачи бўламан деб ният қилганман. Шунинг учун ҳам Назимжон ака етуқлик аттестатини кўлга олиши билан олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун Тошкентга йўл олар экан, "Биринчи бўлиб "Баҳор" ансамблини излаб топаман-да, Қаҳрамон Дадаевга учрашаман" деб ният қилганди.

— Баҳор ансамблига борганимда қизиқ воқеа бўлди, — дея эслади Назимжон ака, хотираларини ёдга оларкан. — Доира овози келадиган хонанин эшигини очиб, маҳорат билан чалинаётган куйга мафтун бўлиб, мўралаганимча қолибман. Шунда қизлар билан рақс сахналаштираётган Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоевнинг "Келинг, ўғлим, сизга ким керак?" — деган сўзларидан ўзимга келдим. Ушанда Қаҳрамон Дадаев билан учрашишга муяссар бўлганман. Шу бўлди-ю, устоз билан устоз-шоғирдлик ришталари болганди.

Албатта, доира ташки томондан оддий кўринса-да, мураккаб чолғу. Унинг сирларини пухта эгаллаш учун тинимсиз машқ, изланиш орқали маҳорат пиллапо-ларидан босқичма-босқич кўтарилишга тўғри келади. Бунга Назимжон Раҳматовнинг изланиш ва интилишлари ҳам мисол бўла олади. У фақат Қаҳрамон Дадаевдан сабоқ олиш билан чекланмай, Болтабий Турғунов, Топшўлат Ашрафхўжаев, Илҳом Икромовдек эл ардоғидаги устозлардан ҳам доира сирларини ўрганиб, ўзи ҳам эл назарига тушди. Қирқ беш йиллик педагогик фаолияти давомида соҳанинг моҳир вакили бўлиб етишди.

Таърибли, фидойи, илмий салоҳият соҳиб бўлган устоз бугунги кунда санъат мактабининг фахри, ёш ўқитувчилар учун ҳар тарафлама ўрнак олий тоифали ўқитувчи. Устоз санъаткор Назимжон Раҳматовнинг "Доира" ўқув қўлланмаси нашр этилиб, ҳозирда таълим муассасаларида ўқитувчи ва ўқувчилар фойдаланишмоқда.

Етук истеъдод соҳиб "Она юрт оҳанглари", "Ис-

теъдод-2", "Золотой Феникс" (Россия), "Ҳар доим бўлсин қўёш", "Россия телефестивали" халқаро танловлари ҳамда республикамизда ўтказилиб келинаётган "Санъат сеҳри", "Санъат байрами", "Янги йил юлдузлари", "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Созлар навоси", Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги қатор кўрик-танлов ва мусиқий фестивалларда доимий иштирок этиш билан бир қаторда мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

У дарсларни турли шаклда интерактив методлар асосида, кўргазмалилик, техник воситалардан фойдаланиб, ахборот-технологиялари асосида олиб боради. Шунинг учун ҳам дарслари самарали ва қизиқарлидир. У 1983 йилда асос солган "Само" доирачилар ансамбли ҳанузгача давлат тадбирларида телевидение кўрсатувларида, байрам ва концертларда қатнашиб келмоқда. Ансамбль репертуарларида доира чолғуси буйича ўзбек халқи ҳамда қардош халқларнинг усуллари ўрин олган.

Устознинг 2005 йилда Абдуғаффор Убайдуллаев (Хуморий)нинг "Ургилайн" шеърига ёзган қўшиғи "Ўзбекистон Ватаним маним" қўшиқлар танловининг республика босқичида фахрли III-уринни эгаллади. Қуддус Муҳаммадий шеърига ёзган "Баҳор келди" қўшиғи эса 2022 йили махсус диплом билан тақдирланди.

Назимжон Раҳматов Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамда Ангрен шаҳридаги мусиқа ва санъат мактаблари орасидаги ижодий кўприкнинг асосчиси десак хато бўлмас. Бежиз унинг ижод маҳсули бўлмиш "Доира" ўқув қўлланмаси юксак бадиий савиядаги муаллифлик асари сифатида баҳоланмаган. Ўзбекистон телерадиокорпорацияси томонидан тасвирга олинган "Чирого ёниқ уй" кўрсатувии айнан ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. "Келажак пойдевори", "Наврўз шукухи", "Тошкент вақти", "Иссиқнон", "Зарб завоқи", "Юракдан гапиримиз" каби кўрсатувларда Назимжон аканин ижоди ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

У 1990 йилда "Ёшлар иттифоқи" совриндори, 1992 йилда эса "Ўзбекистон халқ маорифи аълочили" кўррак нишони билан тақдирланди.

Назимжон Раҳматовнинг ибратли умр йўли, эришган ютуқлари ҳақида ҳали кўп ёзиш мумкин. Бир оғиз сўз билан айтганда, ардоқли санъаткор бежиз ангрениклар фахрланганидан инсонлардан бирига айланмаган. Қувонарлиси, устоз ижодининг чин мухлислари бугун юртимизда жуда кўп.

Робия АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат хореография академияси
"Санъатшунослик" таълим йўналиши 3-босқич
талабаси.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдуракул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маърузимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Адади: 4 000

Буюртма — Г-644

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁴⁰

ISSN 2183-0160



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусафҳиқ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.